

Хуршид Даврон

# БОЛАЛИКНИНГ ОВОЗИ

---

*Лирика*



Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
1986

**Даврон, Хуршид.**

Болаликнинг овози: Лирика:—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.—208 б.

Чиқиш маълумотларида авт.: Хуршид Давронов.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати истеъдодли шоир Хуршид Давроннинг ушбу мажмуасига «Қадрдон қуёш» (1979), «Шаҳардаги олма дарахти», (1979), «Тунги боғлар» (1981), «Учиб бораман қушлар билан» (1983), «Тўмариснинг кўзлари» (1984) каби тўпламларидан саралаб олинган ва кейинги йилларда ёзилган шеърлари киритилди. Уларда она-юрт, табиат манзаралари, болалик, ёшлик лавҳалари, ўтмиш ва келажак ҳақидаги ўйлари рангин ташбеҳлар орқали ифодаланган.

**Давран, Хуршид. Голос детства. Лирика.**

Д 4702570200—66 46—86  
М352 (04)—86

Ўз2

\* \* \*

Мен кўксингга бошимни қўйдим,  
Сен чеккан ғам, ҳасратда куйдим.  
Суйдим сенинг Оқдарёнгни ҳам,  
Ҳамда Қорадарёнгни суйдим,  
Эй, қалбимнинг онаси, Ватан!

Сен боболар битган байтдирсан,  
Муҳаббатим қўшиб айтурман.  
Ўтмишингга йўл солиб гоҳо,  
Келажагинг билиб қайтурман,  
Эй, қалбимнинг онаси, Ватан!

Сен ўтган йўл — юрагим йўли,  
Изтироб ёшлари чўккан йўл.  
Боболарим жасоратига  
Гувоҳ — алвон қонга чўмган йўл,  
Эй, қалбимнинг онаси, Ватан!

Бу йўллардан борурман, қадим  
Битиктошлар чиқар қошимга.  
Улар сўзин кўчираман жим  
Юрагимнинг бужур тошига,  
Эй, дардимга дармоним, Ватан!

Исминг айтиб чиқар куртаклар,  
Исминг айтиб чиқади қуёш.  
Исминг айтар жангчи юраклар  
Кураш чоғи тугаса бардош,  
Эй, қалбимнинг онаси Ватан!

Болакайлар қоғоздан ясаб  
Оқизган оқ кемачалардай,  
Сўлим тонглар, ол тонглар ясан  
Оқиб чиқар кечаларингдан.  
Сен умримнинг тонгисан, Ватан!

Мен кўксингга бошимни қўйдим,  
Сен чеккан дард, ҳасратда куйдим.  
Суйдим сенинг Оқдарёнгни ҳам,  
Ҳамда Қорадарёнгни суйдим,  
Эй, қалбимнинг онаси, Ватан!

*1983*

\* \* \*

Суғдиёна,  
Суғдиёна,  
Она.

Отларнинг кишнаши янграр,  
Уқ санчилар, инграйди яра.  
Босқинчилар суғд юртини  
Босмоқчилар.  
О, Зулқарнайн!  
Қиличларнинг қулоғи кар,  
Кўзи кўрдир найзаларнинг.  
Ана!  
От бўғилар, бўғзида қилич,  
Жангчи, чарчадингми?  
Чанқадингми?  
От бўғзидан ич.

Жангга кир,  
Ёвни енг.  
Ёвни енг, Спитомин,  
Отим кишнаб юборар  
Сўнгги бор:  
— И-и-и-и-и..  
Уйғониб кетаман тўсатдан.

1970

\* \* \*

Мовий рангли осмонга боқдим,  
Осмонимга айланди осмон.  
Зумрад дала меники бўлди  
Боққанимда чексизлик томон.

Пишиб ётган боғларга боқдим,  
Ҳисларимга сингиб кирди куз.  
Тонг нурининг тўлқинида жим  
Юрагимга киради юлдуз.

Ичдим ўтли шамолларни мен,  
Шамолларга айланди бағрим.  
Севдим гулу аёлларни мен  
Ва ҳаётни ёниб куйладим.

Ҳар кимнинг ҳам бўлсин осмони,  
Ўз гуллари бўлсин қалбининг.  
Эркдай улуғ Ўзбекистони,  
Чексизлиги бўлсин ҳар кимнинг...

1973

## ТУНГИ ТАЙЁРА

Кўзларимга кўринмасдан учар тунги тайёра —  
Қишлоқ чети сайҳонликда чалқанча ётиб,  
Юлдузларга термилар чоғим.  
Узоқларда ҳориган қишлоқ,  
атрофимда яшил майсалар,  
Тепамда юлдузлар

ва булутлар оша учган тунги тайёра.  
Ҳорғин шивирлайман: «Яхши етиб олинг,  
манзилингиз яқин бўлсин, одамлар».

Орзуларни, аламлару шодликларни,  
қижрон, висолларни елкага ортиб  
узоқларга сингиб кетар тунги тайёра.

Кошки, мен ҳам учсам тунги тайёрада...

Истайман, мен учаётган пайт  
шаҳардами ё қишлоқдами  
шивирласа юракдан қимдир:  
«Яхши етиб олинг,  
манзилингиз яқин бўлсин, одамлар».

1973

\* \* \*

Токчада даста ялпиз,  
Хузур берар беморга.  
Доридан дим хонамиз  
Гўё тўлди баҳорга.

Ниманидир эслайди,  
Уринади кулишга  
Ва лекин ялпиз ҳиди  
Тўкилади болишга.

Дунё ҳам кўзларида  
Гўё ялпиз кўкати.  
Кечалари уйғониб  
У ялпизни ўпади.

1974



## САНЪАТ

Хона совуқ. Хонтахта узра  
Бўм-бўш шиша. Унда ой акси  
Ва бурчакда турибди музлаб  
Оқ бўздаги ғамгин қиз расми.

Деразада муздан қатқалоқ,  
Рассом йиғлар, кўзлари хира.  
Уни қийнар олис хотира —  
Мўйқаламда яшаган титроқ.

Тақдир кечар шундай ҳамиша —  
Хона совуқ, қотиб қолгудек,  
Қотган нону бўшаган шиша  
Ва дунёга келган мангулик.

1974

## ВИДО

Мен сендан кетмоқ истайман,  
Ёмғирдек эмас,—  
Ёмғир яна қайтиб келади.  
Шамолдек эмас,—  
Шамол яна қайтиб елади.  
Мен сендан кетмоқ истайман  
Муҳаббат каби...

*1975*

## СОНЕТ

Ҳеч тўймайман, сира тўймайман  
Сен кулганда, хаёл сурганда.  
Шеърим каби сени ўйлайман,  
Қувонаман сени кўрганда.

Қўз ёшим ол, дурдаин таққин,  
Сўзим берай, берай меҳримни.  
Муҳаббатинг кўксимга ёққан  
Олов билан битай шеъримни.

Қувончиму куйларимдасан,  
Кечалари киприklarимдай  
Мангу уйғоқ ўйларимдасан.

Кел ёнимга, ширин сўзлар айт,  
Қувонаман сени кўрган пайт.  
Юрагимни сўра, мен берай...

1975

## ҚАМАЛ, НОН ВА АҚА-УҚАЛАР ҲАҚИДА БАЛЛАДА

### I

Булбулларми?! Етар!  
Гулларми?! Бўлди!  
Сўз навбати — юракка...

Даставвал хонага  
Қорахат кириб, машъум ва совуқ  
Сўзларни ўқиди:  
«Отангиз Керчь остонасида...»  
Кейин ўлим кириб келди —  
Онани ўлдирди аямасдан у.  
Улар учта қолдилар:  
Ака-ука,  
Учинчи — ўлим.  
Қўшнилар йўқ, бири урушда,  
Бирисини очлик ўғирлаб кетган.  
Улар кечалари ойга боқишарди —  
Оппоқ нонни эслатарди ой.

### II

«Укажон, укажон, кўзингни очгин,  
Топиб келдим, мана, тўрт ушоқ,  
Юлдузга ўхшайди улар, укажон» —  
Аmmo кўзини очмайди ука,  
Тўкилади ерга юлдузлар...  
Кун келар.

Мана шу ерга тўкилган  
Ушоқлар ҳақида  
Битилажак дostonлар...  
Аmmo мен ҳозир қўшиқ ё дoston ёзмоқчи  
бўлиб

Қўлга қалам ушлаганим йўқ.  
Бўғзимга ғам қадалар экан,  
Бало борми қофияларга...  
«Укажон, укажон, кўзингни очгин,  
Урушни ўлдириб қайтди қўшниллар».  
...Аmmo кўзин очмайди ука,  
Тўкилади қабрга гуллар.  
Тилла бўғдой нонидай ширни  
Порлаб турар Нева узра ой.

1975

\* \* \*

Мен эртага жуда эрта  
Тинч уйқумни бузаман.  
Оқ кўйлагим кияман-да,  
Далаларни кезаман.

Яшилгина майсаларнинг  
Баргларига босиб лаб,  
Эркалайман қизалоқдай,  
Қулоғига шивирлаб.

Кейин ойнанинг елкасига  
Қўлимни қўйиб беун,  
Юрагимни очаман —  
Ойдин бўлар ўша тун...

1975

\* \* \*

Сайҳонликнинг хилват четида,  
Майсаларга кўмилиб олиб,  
Яшаяпман ўтлар ичида  
Мен ҳам яшил, оддий ўт каби.

Тун чўкади бағримга сокин,  
Ой чўмилар сочлари тўзгин,  
Меҳмон бўлиб келади шамол  
Ялпиз ҳидин босиб бағрига.

О, ўша он истайман жуда,  
Майсаларга қўйиб бошимни,  
Мангу яшай ўтлар ичида  
Ялпизлар ҳидига кўмилиб.

1976

\* \* \*

Оппоқ эди бошда бу дунё;  
Кўча оппоқ, кечалар оппоқ,  
Қандай яхши экан, болалик,  
Оппоқ ранглар билан яшамоқ...

Яшилланди кейин бирма-бир  
Дала, чорбоғ, омонат кўприк.  
Довуччадек мўлтираб боқди  
Қўшни боққа тушган болалик...

Мовийланди кейин барчаси...  
Болалигим термулди маҳзун:  
Қорачиғи — туннинг парчаси,  
Илк севгиси киприкдек узун.

Кейин аста хира тортди нур,  
Аралашди оқ, яшил, мовий,  
Болаликдан кейинги умр  
Дарёдек тинч оқа бошлади.

Фақат баъзан бу азиз ранглар  
Тушларимга солар қасирға.  
Оппоқ болиш устида ёнар  
Кўздан оққан томчи — исирға.

1976



## САМАРҚАНДДАГИ ОЗОДЛИК ҲАЙҚАЛИ ҚОШИДА УЙЛАР

Хазонлар..

Хазонлар боққа ҳукмрон,  
Тилларанг бўёққа бўялган олам.  
Озодлик ҳайқали қошига бу он  
Эзгу ўйларимни олиб келдим ман.

Бу ерда изтироб кўксимга битган  
Қиссалар тошини иргитиб, тиниб,  
Шу қутлуғ заминнинг қўйнида ётган  
Ботирлар руҳини чорладим ёниб.

Кўз ўнгимда бирдан жонланар мозий,  
Кўз ўнгимдан бирдан кечар замонлар —  
Қулоғимга етар эрлар овози,  
Ердан япроқларга сачрайди қонлар.

Дарахтлар эрк дея курашган лашкар  
Қўлига инқилоб берган яловдек,  
Дарахтлар — эрк дея навқирон аскар  
Кўкрагида тепган қалби — оловдек

Қаршимда гувиллаб,  
Гувиллаб ёнар —  
Учқунларин кўкка учирар шамол.  
Озодлик!  
Қим сенинг тотингга қонар,  
Қим сенинг меҳрингни айлагай завол?!

Озодлик!  
Тилингда ҳайқириқ бўлган  
Сўзни ким ўчирар қабртошлардан?!  
Озодлик!  
Уйқусиз кўзингга тўлган  
Тердай аччиқ, қонли ва шўр ёшлардан

Қим юзин ўгирар,  
Қим кечади воз,  
Қим уларсиз битар тарих варағин?!  
Боболар қошингда тиз чўкиб ўлган,  
Улар фақат сенга тиз буккан, холос!

Озодлик!  
Мадад бер навқирон дилга,  
Куй бергин, бўғзимни тўлдириб олай.  
Қудрат бер, бағишлай қалбимни элга,  
Ғазаб бер, мен уни шеъримга солай!

...Олов ёниб турар пойингда...

Гўё

Бу олов озодлик ундирган гиёҳ.  
Бу олов тафтига юрагим қонар,  
Бу олов юрагим шаклида ёнар.

1983

## ҚИЗ ВА ШАМОЛ ҲАҚИДА ЭРТАК

Дардай узун-узун кўчани  
Оёқларинг бесас ўпади.  
Ухлаб қолган ойдин кечани  
Уйғотади сочларинг ҳиди.  
Узоқлардан сенга изма-из  
Шамол секин сирғалиб келар,  
Елворади у сенга унсиз,  
Елворади тунги майсалар.  
Кўзларингга ой боқар қониб,  
Кўзларинг ой нуридай тоза.  
Мана келдинг. Бўғилиб, ёниб  
Сени ютар кўҳна дарвоза.  
Шамол эса кўчада қолар,  
Қилт этмайди, қанотлари тинч.  
Парча-парча бўлиб синади,  
У кўтариб югурган севинч  
Ва лабдаги бўса ҳидидан  
Маст бўлганча чайқалиб беҳол,  
Қайрағочга кўксини босиб,  
Тўлиб-тўлиб йиғлайди шамол.

1976

## ТУЙГА БОРМАГАН ИГИТ

Билмайман, бу қачон содир бўлади,  
Бироқ бўлишига келтиргум имон.  
Ушанда дилга ғам тўлиб келади  
Ва бирдан қулайди устингга осмон.  
Уйғониб кетасан... Ахир, нима бу?  
Не даҳшат — ёнингда бегона эркак.  
Узингга келасан... Тушмас, ўнгинг бу,  
Эзилиб йиғлайсан: «Не қилмоқ керак?»  
Ушанда кўзларим ёдингга тушиб,  
Тирилар мен Сенга шивирлаган сўз...  
Сен уни қувасан тез, шоша-пишиб,  
Эрингга қадалар қўрқув тўла кўз.  
Билмайман, бу қачон содир бўлади,  
Аммо бешубҳадир, аммо бегумон.  
Ушанда кўчадан товуш келади,  
Кўзимни тикаман дарвоза томон.  
Эшик очилади, турарман беҳол,  
Уша, деб юрагим титрар жупбушдан.  
Ва лекин мен эри бўлган ёт аёл  
Менга нон кўтариб қайтади ишдан.

1976

\* \* \*

Ғамгамас, ботганча ойдин хаёлга,  
Дўстгинам, боқайлик тунги ниҳолга.

Қимгадир, қўл силкиб деразалардан,  
Муздек сув ичайлик шоҳ кўзалардан.

Томоша қилайлик чумолиларни,  
Упайлик ялпизу чучмомаларни.

Энг яхши шеър каби юракда қолсин  
Бу чорбоғ, бу ўнгир, бу хаёлкаш сув.

Ғар улар юракда қолдирмаса из,  
Ҳеч қачон, ҳеч кимни сева олмаймиз.

1976

\*\*\*

Қўз ўнгимда бепоён боғлар,  
Япроқларда тилларданг ғубор.  
Яқинлашиб қолгандек тоғлар,  
Ҳаво шундай тиниқ, беғубор.

Шитирлаган кечки ёмғир ҳам,  
Туманларни қучоқлаган тонг,  
Қоп-қорайган далаю қир ҳам  
Бари менга таниш, қадрдон.

Дарахтларда ловиллар гулхан,  
Юрагимда унинг тафти бор.  
Боғчадаги хазонлар билан  
Учиб юрар кечаги баҳор.

Мени ташлаб кетмоқчи дўстни  
Тўхтатмоқчи бўлгандай, шу он  
Мен жимгина қўлим чўзаман  
Ёнаётган гулханлар томон.

1977

■ ■ ■

Улаётган отнинг қорачиғида  
Чексиз-чексиз, ям-яшил қирлар,

Улаётган отнинг қорачиғида  
Яғринини ювган ёмғирлар.

Улаётган отнинг қорачиғида  
Милтир-милтир ёнади юлдуз.

Улаётган отнинг қорачиғида  
Чайқалади шудрингли ялпиз.

Улаётган отнинг қорачиғида  
Мовий осмон сўниб борадир.

Улаётган отнинг қорачиғида  
Бир тасвир бор — заминдан огир.

1977



Эшик очилади,  
Дайди ит каби  
Орқага чекинар нимқоронғулик..  
Бир эркак чиқади кўчага эснаб,  
Гўдак йиғисини яширар эшик.

Эркак қора рангли ёмғирпўшининг  
Эзилган ёқасин кўтариб олар,  
Эриниб излайди папиросини,  
Шошмасдан тутатар, ўйланиб қолар.

Кейин деразага қарайди сўлғин,  
Оҳиста бош силкиб қўяди унсиз.  
Бир аёл ойнадан силкитади қўл  
Ва эркакни олиб кетади кундуз.

1977



\*\*\*

Юрагимни яширганман.  
Йўқдир овозим.  
Ҳайиқма,  
Қўрқма, севгим.  
Қўрқмагин бу ҳайрон кўзлардан.  
Сен — сирли капалак  
Ногоҳ келиб қўлимга қўнғач.  
Қимир этмай.  
Қимир этмай турибман чўчиб.  
Сукут сақлаб термуламан,  
Куйлай олмайман.  
Ҳар шарпадан мени ташлаб  
Кетарсан учиб.

1977

\* \* \*

Тушларимда кўрдим мен сени,  
Эсда қолди кўзларинг фақат.  
Кўрсатмоқчи бўлиб кўзингни  
Олиб кетди йўллар бешафқат,

Сени топдим. Лабингда титроқ,  
Шивирладинг: «Тинчимни буздинг...»  
Уртамизда қийналди чироқ,  
Уйқисираб йиғлади қизинг.

Сен бўшлиққа тикиб кўзингни,  
Шивирладинг оҳиста, карахт:  
«Тушларимда кўрдим мен сени,  
Эсда қолди кўзларинг фақат».

1977

\* \* \*

*Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган  
Нуриддин тоғамга*

...Совуқ шамол мени қувади  
Сокин шаҳар кўчаларида.  
Қизлар эса мени севади  
Олис баҳор кечаларида.

Сизни севган у қиз тирикми?  
Қийнайдими хотира расми?  
Тунлар унинг боши эгикми,  
Нуриддинми ўғлининг исми:

1977

\* \* \*

Ҳаммани унутиб қўйибман...  
Ҳеч кимни танимай ва билмай  
Қишлоқни мен кезиб юрибман.

Бу мен-ку, қадрдон жўралар!  
Бу мен-ку, онажон, дадажон!  
Овоз йўқ... Кўксимда титрар жон.

Ва шунда бошимда айланиб,  
Ярми кўк, ярми оқ ва қора.  
Қўлимга талпинди битта барг.

«Мен сени танийман», деди у.  
Кўзимдан тирқираб кетди ёш,  
Бағримга босдим мен энтикиб...

1977

\* \* \*

Эшиклар тўсатдан бир қучоқ нурни  
Сочиб юборади туннинг кўксига.  
Эшикни ёпаман, тинч кўчаларни  
Кезиб термиламан ойнанинг рақсига.

Кейин далаларга чиқиб кетаман,  
Мен билан боғларда тентирайди тун.  
Булутлар оқади. Қулоқ тутаман,  
Пойимда майсалар шивирлар афсун.

Тун шаҳарни қучган.  
Бахтли аёллар  
Эртақлар кўксига қўядилар бош—  
Ухлар чойшабларга ўралган гуллар,  
Кўрпани тоблашиб мушукдай ювош.

Фақат, узоқларда, тунги қирларда  
Кўзлари қора қиз, қоши қора қиз  
Йигитнинг кўксига эмас, далада  
Уватга бош қўйиб ухлайди ёлғиз.

1977

## ТАРИХДАН

(Иован-Иованович Змайдан)

Аллақайси министр  
Аллақайси давлатда  
Деди:— Биз халқимизни  
Қисиб қўйдик деворга!  
Бутун бир халқ эшитди  
Министрнинг сўзини.  
Очирмасдан қўйганди  
Зулм халқнинг кўзини.

Халқ билмасди: Не қилсин?  
Шунда келди бир овоз —  
Девор деди:— Ортда мен,  
Демак, эй, халқ, олға бос!  
Шунда занжирни узиб  
Халқ олдинга ташланди  
Ва ўртада жуда зўр  
Ғалаёнлар бошланди.

Халқ олдинга ташланиб  
Мисли қаттол шер бўлди,  
Министр қўрқиб кетиб  
Ерга чўзилиб ўлди.  
Зулм чекинди, йўқолди,  
Йитди халқ юрак доғи.  
Менинг сўзим эмас, бу  
Тарихнинг бир сабоғи.

Одамлар неча марта  
Бу чорани таялашган:  
Деворга қиснишганда,  
Улар олға ташланган.  
Министрлар то ҳануз  
Қўрқинмайди бекорга,  
Агар она халқини  
Тирав қўйса деворга...

## ҚИШЛОҚҚА ҚАЙТИШ ЕКИ УМРЗОҚ ЛАЙЛАКНИНГ УЛИМИ

Оқ кўйлак-иштонли Умрзоқ лайлак  
равоқда тўшини тўсинга босиб,  
тоғларга термилар, энтикар юрак:  
«Қишлоқни кўрмоқлик қиларми насиб?»

Кўзини юмади,  
ғамгин далалар  
хаёлга бостириб кирар ушбу он.  
Пахтазор... Чарчаган ерни аллалар  
намхуш хазон иси ва телба осмон.

...Ярим тун уйғониб кетар тўсатдан —  
осмонни ўксик дил каби титратар  
учиб кетаётган қушлар қўшиғи.  
Чол йиғлаб юбэрар ва учиб кетар  
оппоқ лайлакларга қўшилиб.

1977

## ПОЕЗДАГИ ВОҶЕА ЕКИ БОЛАЛИКНИНГ ОВОЗИ

— Тўхта, тўхтасанг-чи,  
Нега мени ташлаб кетасан...  
Қаерларга кетяпсан, болам — болалигим.  
Мен, ахир, сени жуда... жуда севаман,  
Биласан-ку, мени фақат сен тушунасан...  
— Нима қилай,  
Ўзинг мени ташлаб кетяпсан.  
Ортингдан югурсам етмайман энди.  
Чунки сен қарамай гиёҳга, Ойга,  
Олдингга кўз тикиб чопиб боряпсан.  
— Йўқ,  
Билмайсан-да, сени қандай севишимни,  
Ишон, алишмайман сени ҳеч кимга.  
Шоҳидликка чақирайми ойни, қуёшни  
Ва уларнинг кўз ўнгида пичоқ-ла ёриб  
Жойлаб қўяйми сени юрагимга...

Эсингдами, еттида эдим, ўшанда  
Кучукча келтириб бердилар дадам.  
Ўйнардим у билан ҳатто тушимда,  
Сиртлон деб атагандим мен кучукчани.  
Кейин... уни ўлдирди қўшнимиз тунда,  
(Ҳамон эсимдадир машъум қора тун)  
Эртасига қўшнининг деразаларин  
Аямай сиңдирдим...  
Ҳеч аямадим,  
Мен қасос олгандим кучукча учун.  
Мана, бугун улғайганман...



Бироқ, нега  
Олис-олисларга олиб кетса вақт,  
Менга шохларини силкитиб қолиб,  
Мени соғиниб кутувчи  
Қоратолни кесиб ташлаган  
Қўшнимнинг ложувард деразалари  
Синмасдан ярқираб турибди бугун?

Демак, сен кераксан ҳақиқат учун,  
Энг тоза, мусаффо орзулар учун,  
Сени сўрамайман фақат бахт учун.  
Сен менга кераксан гоҳ нафрат учун.  
Ташлаб кетма,  
Мен сени ҳеч кимга бермайман.

— Йўқ, жўражон, бўлди энди хайрлашайлик.

Яхши қол, эргашма

Сўнгги бор: Хайр!

— Сен қаерга кетяпсан...

Болажоним — болалигим,

Бойчечагим — ҳиллолигим.

Тўхтасанг-чи,

Тингласанг-чи, оқ эртагим, тиллалигим.

— Гражданин, шовқин солманг,

Ахир купеда сиздан бошқа одамлар ҳам бор.

Ухлашмоқда... Йўл азоби..

— Йўқ, бу сен эмассан... бу — бошқа...

Сен кетяпсан мени ташлаб,

Армонимни, соғинчимни ичингга ютиб,

Тўғри келган томонга югурасан

бўйнингни қисиб,

Улаётган қувончимни босиб бағригга...

Эсингдами, ўн бирда эдим, ўшанда

Тун бўйи ўқидим «Гренада»ни.

Сахарда қопчиққа китоб, нон жойлаб,  
Ҳеч кимга билдирмай, кесиб далани  
Темир йўл разъезди томон отландим,  
Йўл бўйи шивирладим мен: «Гренада».  
Учинчи кун ушлаб олдилар.  
Қишлоқдан юз чақирим нарида.  
Менга уқтирдилар: «Уруш тугаган,  
Испания узоқда... жуда узоқда».

Мен-чи, ишонмадим...  
Фақат ишондим,  
Гренада бор ва Испанияда  
Жанг борар озодлик, ҳақиқат учун,  
Албатта, қатнашаман мен ўша жангда...

Эсингдами, ўн олтида эдим, ўшанда  
Дарғамариқ қирларини ёқалаб,  
Миртемирнинг китобини қўлтиқлаб олиб  
Хилват жойни қидираман... Ва кечалар  
Бўшаб қолган тирамаҳнинг йўлларидан  
Ялангоёқ, чанг босганча мен қайтаман,  
Кипригимнинг учларини ўпганда ой  
Шивирлайман уйқусираб: «Она — Ватан...»

— Гражданин, неча марта эслатиш мумкин,  
Одобданми, ярим тунда шовқин кўтармоқ...  
Ё тобингиз қочдими-а, керакми ёрдам?  
Йўқ, дейсизми, эҳ, бунақа бўлмас-да одам.  
Тўхтанг, нега тушяпсиз... Шаҳар кўп узоқ.  
Бу шунчаки оддий бекат...  
Чўлнинг ўртаси...  
Тўхтанг, ахир... тавба... қизиқ экансиз,  
Бу Тошкентмас. Бу шунчаки оддий бир бекат.  
— Бу сен эмас...

Сен қанисан? Қани?

Нидо бер, овоз бер ҳеч бўлмаганда...

Иўлни бўшат... Биласанми,  
Тушишим керак. .

. . . . .

— Телба.

— Нима?

— Поезддан тушиб кетди бир телба.

**1977**

## **АФСУН**

Хоҳ кеча, хоҳ кундуз этма мунтазир,  
Лабимда иситгин киприкларингни.  
Мени севгин.

Бўғзимни гулларнинг куйига тўлдир,  
Қушларга уя қил менинг бўғзимни,  
Мени севгин.

Қўлларинг чирмашсин бамисли сеҳр,  
Эркалаб-эркалаб ўлдиргин мени,  
Мени севгин.

Соқин тушларингга сен мени яшир.  
Ҳеч кимга ҳеч қачон бермагин мени,  
Мени севгин.

*1977*

\* \* \*

Болалигим ўғирлаб секин  
Йиллар дарё каби оқдилар.  
Кеча дўстлар сочимдаги оқ  
Толаларга ҳайрон боқдилар.

Кимдир сўкди йиллар суръатин,  
Кимдир боғлар томон бурди юз.  
Мен эсам-чи, сенинг суратинг  
Кўзларимда уйғотдим маъюс.

Кунлар хазон каби сарғайди,  
Учиб кетди япроқлар каби.  
Ул кун қалбга дунё сиғарди,  
Бугун сиғмас ўзимнинг дардим.

О, болалик, менинг қувончим,  
Эй, кўз ёши туймаган очун.  
Кеча дўстлар билан мен ичдим  
Сенинг боқий қудратинг учун.

1978

\* \* \*

Жийда гулин исладим  
Болалардай энтикиб.  
Болалигим изладим  
Далаларга кўз тикиб.

Ҳув, олис-олисларга  
Қуёшдай сингиб кетай.  
Бироқ ўтга кўмилиб  
Йиғлагим келса, нетай?

Йиғлама деб, шивирлаб,  
Юпата бошлар ажиб,  
Миттигина бойчечак  
Қўлларимдан ушлаб жим.

1978

\* \* \*

У аёлнинг қўллари дағал,  
У аёлнинг кўйлаги дағал.  
Уни ҳар кун калтаклар эри,  
Ҳар кун юзда кўкарар доғлар.

Кеча ногоҳ йўлнинг четида  
Кўриб қолдим ўша аёлни:  
У ҳидларди мен сезмай ўтган  
Миттигина марварид гулни.

1978

\* \* \*

Далаларнинг қоқ ўртасида  
Еру осмон аро бир эртақ —  
Юлдузларнинг майин сасидан  
Тебранади оппоқ беланчак.  
Ухлаб қолар ҳориган ота,  
Ухлаб қолар теримчи сулув.  
Ухлаб қолар чорбоғ ортида  
Ариқчада жилдираган сув.  
Фақат қора кўзларин очиб,  
Ҳайрат билан тўлганда қучоқ.  
Онасига ўхшатиб ойни  
Талпинади ойдай чақалоқ  
Ва меҳрдан ийиб, кўксини  
Чақалоққа тутар ой хушқол.  
Сўнг аллалар айтиб, ўксиниб  
Беланчакни тебратар шамол...

1978



\*\*\*

Теримчи қизлар  
Шохлардаги қушлардай енгил,  
Қоматлари хаёл,  
Қуёш иси анқиб турар чеҳраларидан.  
Улар  
Тўлиб кетган армонлар каби,  
Эгатларга эгилган.  
Орзулари мезонлар каби  
Оппоқ бўлиб учиб юргувчи  
Ойдин шамолларга осилган.  
Ҳув... Бўғилиб сайраган  
                                қушдан ҳам узоқ,  
Қишлоғимнинг чексиз далаларида,  
Оппоқ шийпонларда кўксини титроқ,  
Илиқ, мовий шамоллар ўпиб,  
Ухлаб ётар теримчи қизлар  
Тушларини қуёшга кўмиб...

1978

\*\*\*

Имкон беринг,  
Ухлай дарахтлар билан...  
Ҳайратга кўмилган кечада  
Дарахтлар билан...  
Имкон беринг,  
Қон талашган қўлларимни  
Япроқдай кўкартирай,  
Новдаларнинг гулларини  
ухлай маҳкам кўксимга босиб.  
Бағримга яширай,  
Ҳовучимга олай  
Чўғдайин тун қушларини...  
Кейин сизга сўйлаб бераман  
Дарахтларнинг тушларини.

1978

\* \* \*

Дарёларни кўрмоқ мумкин биргалашиб,  
Биргалашиб боқмоқ мумкин қора тунга.  
Дўстлар билан, дилда ёниқ ҳислар билан  
Боқмоқ мумкин ботаётган сўлгин кунга.

Оломонга қўшилганча сафсар гулга,  
Круиффга, Тиёншонга тиккин кўзинг.  
Бироқ, қабо ечаётган шўх аёлни  
Қузат, юрак, ҳайрат билан ёлғиз ўзинг.

*1978*

\* \* \*

Оғир меҳнат тунлари аро  
Ёритаркан пешонанг чироқ,  
Ғам чекмагин, қилмасдан оҳ-воҳ,  
Бошингни эг яна қуйироқ.

Қаламингни ишлатгин бетин,  
Қулдай ишлат, қулдай тўккин тер.  
Токи қоғоз устида ботин  
Ҳайқириқдай пайдо бўлсин шеър.

Сен меҳрингни аяма ундан,  
Унга баттол ғазабингни тут.  
Томиз унинг ташна лабига  
Муҳаббатнинг кўкрагидан сут.

Юрагингга айлама шафқат,  
Тундан олгин кунларнинг ўчин.  
Биз тер тўкиб ишлаймиз фақат  
Озод ва мард инсонлар учун.

1985

\* \* \*

Қорнинг ҳиди келар...  
Ора-оралаб  
Шикаста оломон қирга ўрмалар --  
Узоқдаги якка толни қоралаб,  
Елкаларда тобут.  
Қорнинг ҳиди келар...

Йўлнинг четидаги кўк кийган аёл,  
Чироғнинг ўчдими, нури сўндими?  
Йўлнинг четидаги кўк кийган аёл,  
У асло қайтмагай.  
Не қилдик энди?..

Қор нафаси билан кечмоқда бу кун,  
Қорайиб турибди кимнингдир қабри.  
Катталардек жиддий болалар бугун,  
Катталар йиғлашар болалар каби...

1978

\* \* \*

*Рауф Парфи шеърига назира*

Қор ёгаётган оқшом  
Шаҳарни кезсанг,  
Ғира-шира кўчаларни  
Кезсанг, қўлларингни чўнтакка тиқиб,  
Қор эса эриса лабларингда жим.

Ўйласанг олисларда қолган кимнидир,  
Шу қорни ўйласанг, қалбинг энтикса.  
Айниқса, ўзинг севган қизни ўйласанг,  
Айниқса, ўйласанг онангни...

Қор эса тинмаса,  
Тинмаса қадаминг.  
Ўзинг ҳам бир қор учқунидай  
Сингиб кетсанг туннинг бағрига.

Кимгадир йўл берсанг, кимгадир салом,  
Аммо ўзинг билмасанг буни.  
Қор эса бўралаб ёғаверса жим,  
Адашсанг-да сезмасанг адашганингни...

1978

\* \* \*

Бугун тунда яна тирилдим...  
Сен эшикни очдинг шошмасдан.  
Шивирладим: «Мана, мен келдим,  
Нега пардаларни очмайсан?»

Ниманидир изларди кўзлар,  
Ниманидир излардим... Шу тоб  
Кўриб қолдим ёстигинг узра  
Ётар эди мен севган китоб.

*1978*

\* \* \*

Биласанми, тўсатдан кеча  
Олмаларни гуллатди кўча.  
«Қайтсин,— деди,— соғиндим, — деди,—  
Нима қилай ахир, кеч эди,

Совуқ эди, босган эди қор,  
Узоқларда кезарди баҳор...  
Қайтсин, мана бағрим яшнади —  
Ифор сочган гулга ўхшади».

Сен келмайсан, кунми, кечами  
Ухлатмайди уни дарди, қайгу.  
Сен бир марта кезган кўчани  
Бахтли кўча деб атайди у.

1978



\* \* \*

Қўшоқ ака, ухламайсиз  
Қишнинг узун кечаси.  
Қийнайдами билакдаги  
Маъшум ўқнинг парчаси?

Ражаб ака, сиз ҳам уйғоқ,  
Енголмассиз қийноқни,  
Соғиндими ё ўнг оёқ  
Кесилган чап оёқни.

Ярим тунда, қишлоқ аро  
Учар ғамгин хаёллар,  
Эрларини, ўғилларни  
Ед этади аёллар...

1978

\*\*\*

Бева ҳовлисига тун олдин кирар},  
Қуюқлашиб борар дилда хотира.  
Деворда, суратда: бир йигит кулар,  
Енида жилмаяр бир қиз бокира.

Бева энг чиройли кўйлагин кийиб,  
Очиқ деразадан термулар ғамгин.  
Хона бурчагига ғамдан энтикиб,  
Эски пластинка ғижиллар тагин.

Оқшомлари қийин бўлар бевага:  
Хотиралар дилга кирар қайғудош.  
Оғир бўлса ҳамки, тасвир бўлса ҳам  
Суратга жилмаяр — кўзларида ёш.

1978

## ТУН, БЕВА АЁЛ ВА ДЕРАЗАДАГИ СОЯЛАР ҲАҚИДА ДОСТОН

### 1

Кимнидир чақирар. Аёл овози  
Ҳавода қалқиниб, қалқиниб учар.  
Деворда уйғонар қўлларнинг изи —  
Эркакнинг қўллари... ва уни қучар.

### 2

Қаршида дераза сўйлайди эртак,  
Унда икки соя бахтиёр, малул.  
Оҳ, нақадар улкан у сирли эркак,  
Қўлларида аёл севган қизил гул.  
О, нақадар сирли у таниш соя,  
Ҳар бир ҳаракати солади ларза,  
Наҳотки, бу эртак асло тинмаса?  
Бунча бешафқатсан, қўшни дераза?!  
Хона тинч. Гиламда кезади шуъла.  
Хона бурчагида таниш бир сурат!  
«Севгилим!..» Аёлни қўллари силар,  
Кўзида уйғонар эски муҳаббат.

### 3

Уруш тугадими? Келдингми, наҳот?  
Мен сени изладим ўз юрагимдан,  
Қабринг йўқлигини хабар қилди хат...  
Кечир, сўрамадим сени ҳеч кимдан.

Қани кел, уйингнинг эшигини оч,  
Шароб қуй, бир ўзим ича олмадим.  
Биз билан ёнма-ён ўтирсин қувонч  
Ва армон... юракда туғилган ўғлим.  
Бизнинг дераза ҳам сўйласин афсун,  
Оқшом рангларига сингсин ҳикоя.  
Қишлоққа оҳишта қуйиларкан тун.  
Пайдо бўлсин икки бахтиёр соя.  
Қани кел, эй, менинг сирли эртагим,  
Мени азоблардан айлагин халос.  
Гамимни кўксимдан гул каби узгин  
Ва қайноқ бағринга мени маҳкам бос!  
...Нега жавоб йўқдир? Жавоб йўқ нега?  
Севгилим, мен сенга асраб қўйдим май.  
Эртак бўлиб келгин кўр деразамга,  
Яшайин эшикнинг зулфини илмай.

#### 4

...Орамизда ётган эмиш чақалоқ,  
Кўзлари сеники, лаби меники.  
Митти оёқчаси ой каби оппоқ,  
Кўриниб, кўринмас эмиш киприги.  
Сен ухлар эмишсан бурканиб олиб,  
Салқин шабадада сочларинг ўйнар.  
Фақат мен уйғоқман ва узоқларда  
Бўғилиб, бўғилиб куйлармиш тўйлар.  
«Бу менинг эримдир, бу менинг болам»,  
Ҳайқирмоқчи бўлсам чиқмас товушим.  
Уруш олди — баҳор ва чексиз дала  
Кўксидаги гулдай оппоқмиш ёшим.  
Тушимда куйлаган аллани асло  
Ёдимдан ўчирмас ҳеч қандай алам.  
Аллага айланиб қолганмиш само,  
Аллалар айтганмиш ўшанда ер ҳам.

Сен менинг бодом гулим,  
Аллаё алла, болам.  
Сен менинг олма гулим,  
Аллаё алла, болам.  
Сендан келар гуллар иси,  
Аллаё алла, болам.  
Онасининг қора кўзи,  
Аллаё алла, болам.  
Не тенг келур гул исига,  
Аллаё алла, болам.  
Уймали тунлар бўйингга,  
Аллаё алла, болам.  
Сенга аллалар айтаман,  
Аллаё алла, болам.  
Сояларингда ётаман,  
Аллаё алла, болам.  
Менинг яшил тол човканим,  
Аллаё алла, болам.  
Тушимда топиб олганим,  
Аллаё алла, болам.

## 6

Улгунча, мен сени ёниб қўмсайман,  
Қани кел, қучоқла, қучоқла мени.  
Уйимда ёнмаган чироғим сенсан,  
Қани кел, ёритгин тунда хонамни.  
Қайларда юрарсан, менинг афсонам?  
Қаерда ётибсан ғамгин, яланғоч?  
Қани кел, уйғонсин сен билан хонам,  
Қани кел, уйингнинг эшигини оч!  
Олмалардай бўлиб кўкрагим ахир,  
Сутга тўлиб кетди, фарзанд инъом қил.

Кундуз юрагингни қийнаган ҳисни  
Тунлар инъом этгин мисли қизил гул.  
Қўшни деразага тўймасдан боққан  
Менинг кўзларимга инъом қилгин нур.  
Сен менга аввало фарзанд инъом қил,  
Алла айтгим келар тунлари масрур.  
Бизнинг дераза ҳам сўйласин эртак,  
Оқшом рангларига сингсин ҳикоя.  
Дунёдаги барча деразаларда  
Бахтиёр яшасин иккита соя.

7

Болишда ёмғирнинг оқ томчилари —  
Бева кўз ёшлари нурда ялтирар.  
Қўшни деразада бир-бирин қучар  
Навқирон, ҳамиша бахтли соялар.  
Кўзин юмолмайди ва бирдан туриб  
Эшикни очади.

Салом эй, кўча!

Бағрига босади, уни энтикиб  
Эркакдай чиройли, бақувват кеча.

1978

\*\*\*

Океан ёқасида ўтларга кўмилиб,  
Чўзилиб ётган ўлка — Пабло Неруда.  
У гўё ҳозиргина уммондан чиқиб  
Қуёшда тобланган буюк Эстебан<sup>1</sup>  
Тўлқинлар урилар оёқларига,  
Сочларида ухлар чағалай,  
Қўлларининг қадоқларида  
Қуёш нури қуш каби ўйнар...  
Мен Чили ҳақида ўйлаганимда  
Шу манзара кўзни йиртади  
Ва кўзимга сиғмаган қисми  
Сингиб кетади юрагимга.

Узоқ-узоқларда сув ёқасида  
Чўзилиб ётар Пабло Неруда —  
Зиндонларга сиғмаган орзу —  
Армонларни  
жамлаган Ватан...

1978

---

<sup>1</sup> Габриэл Гарсиа Маркеснинг «Уни Эстебан деб атардилар» ҳикоясининг қаҳрамони.

\*\*\*

Табиатдир менинг давомим,  
Туташ эрур бағрим бағрига.  
Умрим боғлиқ ою офтоби,  
Дарёлару, дарахтларига.

Ялпизларни қучоқлаб сархуш,  
Муҳаббатга чулғанар қалбим.  
Бошим узра учиб ўтар қуш,  
Хаёлимнинг давоми каби.

Тунлар нафас олмай ётаман,  
Мени қучар қувончу алам...  
Дарахт кулгусини кўрганман,  
Кўрганман кўз ёшларини ҳам.

1978



## ҚИЗ ҚУШИҒИ

Сен келасан..  
Сел келганда  
Тошган дарё бўламан.  
Беда ортган аравадай  
Хўшбўйдирман сен билан.

Сен кетасан..  
Ортингдан мен  
Боқарман чўл йўлида,  
Аравадан тушиб қолган  
Хушбўй беда гулидай...

1978

\*\*\*

Туш кўраман олис қишлоқни,  
Тун сутини ичар у шодмон.  
Ёндирганча сонсиз чироқни,  
Нурга тўлиб яшнайти осмон.

Ҳали жуда олисда Зухра...  
Аммо бу дам титрар мисли қуш  
Супадаги беланчак узра  
Ҳилол сочган олтин ва кумуш.

Мен ухлайман хотиржам, ёлғиз,  
Юрак эса бўлади қараҳт —  
Тушларимга қиради ялғиз,  
Қўриқлайди тушимни дараҳт.

1978

## МИРТЕМИР ХОТИРАСИГА

Шаҳар узра ёғиларди қор,  
Туяр эдик муз нафасини.  
Узоқларда кезарди баҳор,  
Биз йўқотиб қўйганда сени.

Йиғилишдик. Жиддий ва маҳзун —  
Улғайганин сездим дўстларни.  
Куй оқарди ғам каби узун  
Қўзғатганча дилда ҳисларни.

Дафндан сўнг қайтдик букчайиб,  
Эзар эди кўринмас тобут.  
Қор сувида юзларни чайиб  
Шивирладик: юрак, ёдда тут!

Шаҳар узра ёғиларди қор,  
Туяр эдик муз нафасини.  
Узоқларда кезарди баҳор,  
Биз йўқотиб қўйганда сени.

Шунда кимдир, ким у, эсда йўқ,  
Деди ғамгин эгганича бош:  
«Тобутини кўтарган чоғим  
Қабоғида кўрдим томчи ёш.

Оҳ, дўстларим, юрагим сезди —  
У кузатар эди бизларни.  
Қабоқда ёш, у йиғлар, эди,  
Қийнаб қўйдим дея сизларни».

1978

\* \* \*

*Рассом III. Абдурашидовга*

Биз шундай яшаймиз!  
Ватанга фидо,  
Тайёр туриб уни ёвдан тўсгани,  
Биз минг йил кутишга розимиз, ҳатто  
Дарахт шохларида баргдек ўсгани.

Сапчиб туради у  
Кеч куз, ярим тун,  
Соғинчми, армонми юракни қийнар.  
Кўзини очганча ётади маҳзун,  
Юракни қийнайди безовта ўйлар,  
«Сизни тушунмайман»— дейди хотини,  
У жавоб бермайди, шошмай қимирлар.  
Елкасига илар ёмғирпўшини,  
Остонада тўхтаб ғамгин шивирлар:  
«Кечиргин, ўртанар юрак неча кун,  
Неча кунки, ахир, мен қийналаман.  
Албатта, боришим керак. Мен бугун  
Хайрлашмоғим шарт турналар билан».

1978

## ОДАМ

*(Морис Каремдан)*

Сайраётган қушга қаради одам,  
«Нега сайрайсан?»— деб сўради одам.  
«Агар билганимда,— жавоб берди қуш.—  
Балки чиқармасдим ҳеч қачон товуш».

Одам олмахонни кўрди дарахтда,  
«Нега сен ўйнайсан?»— деб айтди шартта.  
«О, агар билсайдим,— деди олмахон.—  
Ўйнамас эдимми балки ҳеч қачон».

Кулган чақалоққа қаради одам,  
«Нега куласан?»— деб сўради одам.  
«Нега кулишимни,— деб айтди гўдак,—  
Мен тугул худоям билмаса керак».

Одам боши қотиб мозор ёнидан  
Ўтарди — ўйида минг битта хаёл.  
«Нега ўйлайсан?»— деб сўради ундан  
Сочлари гуркираб ўсган мажнунтол.

Дарахтда сайраган қушчага ўхшаб,  
Олмахону кулган гўдакка ўхшаб,  
Бу оғир сўроққа у нидо этди:  
«Эҳ, агар билсайдим...»  
Аmmo билмасди...

\* \* \*

Қора мавр ўғли — телба Отелло  
Буюк садоқатдан бермоқда сабоқ.  
Қўлини артди у: «Мадад бер, олло...»  
Бутун зал гўёки улкан бир қабоқ.

Уят бу! Даҳшат бу! Ютолмай нафас,  
Аёллар юлади зар мунчоғини.  
Эркаклар чангаллар... Йўқ, аёлнимас,  
Курсиларнинг илиқ суянчиғини.

«Уят бу! Даҳшат бу! Наҳот, азизим,  
Ажойиб муҳаббат деганлари шу?!»—  
Уйга қайтиб энди юмолмай кўзин  
Неча аёлларнинг бузилар туши.

Фақат зал четида йиғлайди бир қиз,  
Оппоқ рўмолчани юзига босиб.  
Узилган япроқдек қийнайди бир ҳис,  
Шабнамлар балқийди кўзини тўсиб.

Энди у бир умр — тонгу шом пайти  
Шивирлар, қизариб ичган каби май:  
«Мени ҳам бир йигит шундай севсайди,  
Севиб ўлдирсайди мени ҳам шундай».

1978

## ЧЮРЛЕНИС<sup>1</sup>

Денгиз бұлса... Денгиз...  
Ярим тун бұлса...  
Юлдузлар құлларинг етгудай яқин.  
Чидолмасанг, тўлиб куйлагинг келса.  
Укириб йиғлагинг келса... Ва тағин...

Қуёшни құлингга олсанг тонг пайти,  
Унинг кўзларига тикилиб, алқаб,  
Дўстим деб, атасанг қайта ва қайта,  
Денгизда чўмилса сўнг қуёш ва қалб.

Мовий кўзли сукут ва ой йўлингга  
Тўшаса тилларанг сочлар ўримин.  
...Мен ишонмайман ўлимга,  
Мен ёмон кўраман ўлимни.

1978

---

<sup>1</sup> Машҳур литвалик рассом.

\* \* \*

Боғ кезаман.  
Борми бунда сир,  
Бирор афсун борми ё, бунда  
Ҳаяжонга тўлган мусаввир  
Уйғонади менинг қалбимда.  
Қоп-қорайган боғларни кезиб  
Чекинаркан кузнинг қўшини,  
Ранг излайди мусаввир кўзи,  
Дарахтзорга баргдек қўшилиб.  
Заъфар хазон қуш каби учар  
Ва рутубат — кеч куз чалган соз.  
Унинг кўзи гоҳ титраб тушар,  
Гоҳ қувонар мисли олтин ёз.  
У Левитан сезмаган рангни  
Танийдию кўзи жавдираб,  
Юрагида кечган оҳангни  
Бўйай бошлар шу рангга қараб.  
Сезар — япроқ юракка ўхшар,  
Ҳа, шу оддий асалранг япроқ  
Тош йўлакка айланиб тушар,  
Қўзғатганча юракда титроқ  
Ва шу титроқ уйғонган маҳал,  
Нимагадир бўлиб мунтазир,  
Кечган умрин этмоқчидек ҳал,  
Уйғонади кўксимда шоир.

1978



\* \* \*

Қизғалдоқлар ўчоқ-ўчоқ  
Ёнган томда ёнбошлаб,  
Олисларда товланган тоғ,  
Адирларга кўз ташлаб,

Оқ кўйлакли бола куйлар,  
Ашуласи жаранглар:  
Сўқмоқ йўлда от йўрттирган  
Мудроқ йўлчи аланглар.

Бир ғам юзар,  
Бир бахт юзар,  
Таралганча ҳавода,  
Уни олис-олисларга  
Учиради шабода.

1978

\*\*\*

Руҳимда бир соғиниш кезар,  
Юрак дардга бормоқда тўлиб.  
Тошойнага тикилди кўзлар,  
Ўз дардини кўрмоқчи бўлиб.

Кўзларимда бир ун: «Омонми,  
Бугун у қиз кимнинг юлдузи?»  
...Синдиришдан олдин ойнани  
Мен жилмайдим ўзимга ўзим.

*1978*

\* \* \*

Тунда силкитаркан дарахтни шамол,  
Дарахтлар титраркан маҳзун, букчайиб,  
Дарахтзор қошига келар бир аёл,  
Нозик оёқларин шабнамга чайиб.

У гуллар сочади ҳовуч-ҳовучлаб,  
Ҳайратга тўлади армонли боғлар.  
У куйлай бошласа, гулларни тишлаб  
Уйғона бошлайди қуриган шохлар.

1978

## ШУКУР БУРҲОН ҲАҚИДА ҚУШИҚ

Шукур Бурҳон ҳам қариб қолди,  
Ухшаб қолди қадим қалъага.  
Чўккан девор қаддин тиклайди,  
Шукур Бурҳон чиққач саҳнага.  
Энди ундан кучли одам йўқ,  
Енгар ман-ман деган йигитни.  
У куйлади мисоли қўшиқ  
Сўзлараро ётган сукутни.  
Танаффусда яна ҳорғинлик  
Елкасига ташлайди кучин.  
Юрагида ухлар Улуғбек  
Сўнг саҳнада ҳайқирмоқ учун.  
...Шукур Бурҳон тунда туш кўрар,  
Тонгга қадар чўзилади туш.  
Хўжа Аҳроп тасбеҳ ўгирар,  
Аббос ханжар ўқталар эмиш.  
Елғиз фонус нур тарар синиқ,  
Тўкилармиш юлдузлар ғужғон.  
Юрагидан қайғудек тиниқ  
Сочилармиш зах тупроққа қон.  
Шукур Бурҳон чўчиб уйғонар,  
Босолмайди у ҳаяжонни  
Ва бақувват қўллари билан  
Қўкрагидан артади қонни.

1978

\* \* \*

...Мен — тирик хотираман, қишлоғимга қайтганда,  
Мен йўғимда ўлганлар тирилади қайтадан.

— Узоқ бобо омонми?— Бошлар эгилар ғамгин,  
— Қумри кампир?— Сукунат менга жавобдир тағин.

...Мен — тирик хотираман. Шариф ака, кечиринг,  
Билмасдан ўғлингизни сўраб қолдим... Кеч энди,

Сўзни қайтариб бўлмас, ахир, укам эди-ку,  
Сизга ўхшаб мен шоир бўламан, деб эди-ку...

Йироқларда юрдим хўб, соғинчимни ютди хат,  
Йиллар ўтгани сари, мен тобора бешафқат.

Мен ҳатто ўз отамни кўма олмадим, дўстлар,  
Кечикиб бордим, дўстлар, йиғлай олмадим, дўстлар.

Баъзан билмай хатимда «Отам соғми?» деб битдим,  
Билмадимки, қанчалар онамни эзди хатим.

Мен — тирик хотираман! Биз — тирик хотирамиз!  
Сен — тирик хотирасан. Битмас асло ярамиз.

Шу хотира бор экан, эзгу бўлар бу дунё,  
Ўтмиш келажак учун кўзгу бўлар доимо.

Биз — тирик хотирамиз! Мен — тирик хотираман.  
Соғинч билан қишлоққа тонгда кириб бораман.

1978

## ҚАДИМГИ ҚУШИҚ

Қоронги кеча билан,  
ариқнинг ичи билан,  
чорбоғингга ўтгандим  
талатиб кучук билан  
олдилар ушлаб мени,  
урдилар муштлаб мени,  
бунчалар қийнадилар  
кўзимни ёшлаб мени.  
Қўлимни боғладилар  
узун арғамчи билан.  
Кейин олиб кетдилар  
миршаб-қўриқчи билан.  
Ёрим, энди изимга  
ҳориб-чарчаб кўз тутма,  
тунлар айтган сўзимга  
шонгини ва унутма.  
Сарбон чол бош чайқайди,  
туясини ниқтайди,  
менга секин нон тутар  
икки миршаб йўқ пайти...  
Ёўл четига қарасам,  
қизил гул очилибди.  
Хуш ҳидлари самога  
оҳимдек сочилибди.  
Ўлмаган жоним менинг,  
ёримсиз энди нетай.  
Тўкилсин қоним менинг,  
тупроққа сингиб кетай.

Узоқда оҳ чекурман,  
термилиб йўллар томон.  
Кўз ёшимни ичурман,  
бу замон қандай замон?  
Оёққа уриб кишан  
зиндонлаб қўярларму?  
Ёки хон жаллодлари  
товондан сўярларму?  
Йўл чети яшил чаман,  
юлдуз ёнар бошимда,  
энди сени кўрарман  
фақатгина тушимда.  
Тоғлардан ўтиб кетдик,  
йўл топиб келасанми?  
Қир ўтдик, дарё ўтдик,  
бу ерни биласанми?  
Зах, зиндон хоналарда  
куи сезмай, тунни сезмай,  
панжара орасидан  
қочмоққа чора излай.  
Қибладан шамол турган  
саҳарда ерни тешиб,  
қирғовулла сайраган  
тўқайзор, дарё ошиб  
Борурман кеча билан,  
ариқнинг ичи билан,  
сўнг отни қамчилайман,  
ёр, сенинг сочинг билан.

1978

\*\*\*

Уйнар эдик бекинмачоқ,  
Ташландиқ боғ... Кеч кузак...  
Бутазорга кирдим ногоҳ,  
Дўстларимни мен излаб.  
Кўрдим, шохлар қимирлади...  
Дил қўрқувни туйган дам,  
Қимдир титраб шивирлади:  
«Жоним... сени севаман».  
Қимирламай туриб қолдим  
Ва уйғонди ёт титроқ,  
Учаётган қушдек толдим,  
Қуладим мисли япроқ.  
Дилга сингди ёруғ бир ғам,  
Еқмай қолди бу ўйин,  
Кеч кузакнинг шамоли ҳам  
Сочди ифор — соч бўйин.  
Боғда ҳамон чопар эди  
Болалар...  
Ҳа, бо-ла-лар.  
Мени эса чорлар эди  
Елғизлик ва далалар.

1978



\* \* \*

Болаликда айтар эдим онамга доим:  
«Улғайсам, мен ташлаб кетмайман сизни,  
Қўриқлайман оромингизни».  
Кун келди, улғайдим — сочлари оқарган онам  
Кўзлари қорайиб кутади мени —  
Оромин ўғирлаб кетган ўғлини.

1978

\* \* \*

Шеърят — бу қийин иш эмас,  
Ёзсанг агар юракни асраб.  
Бироқ шеърнинг бир сатрини деб  
Қон тупирган тунлари Машраб.  
Шеърят — бу қийин иш эмас,  
Етар топсанг қофия: «ёз», «соз».  
Шеърда баъзан ҳаводек зарур  
«Эрк» сўзига қофия «қасос».  
Сен қўрқувни қанчалик яшир,  
Шеър қилади бари бир ошкор.  
Қўрқоқ бўлсанг, қўрқоқ бўлар шеър,  
Мардман, деб жар солмоғинг бекор.  
Она-юртни куйламоқ учун  
Худди шеърга бергандек юрак,  
Уни юртга бермоқ учун ҳам  
Доим тайёр турмоғинг керак.  
Тўмарисдек аёл қўлларин  
Чаноқ тиғи тиларкан кеч куз,  
Қоғоздаги шеърим йўллари  
Юрагимда қон қолдирган из.  
Заҳар ичиб ўлган актёрдек  
Пардадан сўнг тирилмоқ бекор.  
Шоир шеърнинг олдида тирик.  
Шеър сўнгида ўлмоғи даркор.  
Шеър — туймоқдир ногоҳон дилдан,  
Сен қўлинига олганда нонни,  
Буғдой дони ердан симирган  
Эрк деб жангда тўкилган қонни.

1979

\* \* \*

— Мен севаман,— шивирлар аёл,—  
кирларингни ювиб берамап,  
дазмоллайман кўйлақларингни  
семи қучган қўлларим билан.

Бир кун тонгда тўшакда ётиб  
жилмайганча шивирласам бас:  
«Юрагимнинг остида кимдир  
худди сендек олмоқда нафас».

1979

## **СЎЗ — ҚУШДИР...**

Сўз — қушдир,  
авайла қушни.  
Авайла, кўксингда унга сен ин қур.  
Қанотларин сила, эркала,  
ўз қонингдан ичиргин қушга.

Шеър — учаётган қушга ўхшайди,  
қуёшни ичади у учиб-учиб,  
Шеърнинг тўрт сатри —  
қафас бўлмоғи,  
осмон бўлмоғи мумкин сўз учун.

*1979*

## ЧОЛ ВА КАМПИР

Тўкилади девордан сувоқ,  
ғижиллайди саҳарда эшик.  
Бунда яшар узоқдан-узоқ  
чол ва кампир.  
Айвонда бешик  
Ўттиз йилдир осилиб турар,  
унутганча гўдак исини.  
Ўттиз йилдир гўдак нафаси  
иситмайди бешик кўксини.  
Ўттиз йилдир туш кўради чол  
Смоленскда қолган қўлини,  
Ўттиз йилдир кампир туш кўрар  
урушдан қайтмаган ўғлини.

1979

## ОТЛАР ЙИҒЛАГАНДА

Отлар йиғлаганда кузатганмисиз?

Узоқларга қараб йиғлар экан от,  
узоқ-узоқ йиғлар экан от,  
овоз чиқармасдан йиғлар экан от.

Учиб кўрганмисиз сиз қушлар билан?

Қанотлари куйлар экан учганда қушнинг,  
тумшуқлари кулар экан учганда қушнинг,  
оёқлари ерни қўмсар учганда қушнинг.

Шовиллаб турганмисиз дарахтлар каби?

Учиб кетай дер экан баҳорда дарахт,  
мезонларга осиларкан кузакда дарахт,  
илдизига ишонаркан қиш чоғи дарахт.

Отлар каби йиғлагим келар,  
соғингим келади қуш оёғидек,  
дарахтдек ишонгим келар илдизларимга..

1979

## КУТИШ

Дераза пардаси силкинар,  
қайларгадир сузар хоналар.  
Қиз юзида тошган сепкиллар  
баҳордан ва ишқдан хотира.

Деразадан термилади қиз  
кўчадаги толлиққан ёзга.  
«Ҳадемасдан кириб келар куз...»—  
қиз шундай деб ёзар қоғозга.

*1979*

## **РУМОЛ УРАБ КЎЧАГА ЧИҚДИ...**

Рўмол ўраб кўчага чиқди,  
рўмолини ечди кўчада  
ва сочлари бирдан шовиллаб  
оқиб кетди елкаларидан.

Жуда гўзал аёл эди у!  
Қаландардай эргашди ҳилол.

*1979*



## ЭСКИ ШАҲАР

Бибихоним даҳмаси харобасида  
сўнгги бор акс этар ва сўнар қуёш.  
Уйғона бошлайди кун нафасидан  
мудраб, ухлаб қолган қора қабртош.

Тор, қийшиқ кўчалар адашиб қолиб,  
илондек ўрмалар нурафшон тунда.  
Товлана бошлайди қайғуга тўлиб  
«Зижи Кўрагон»нинг акси осмонда.

Мудрар сезгир қушлар бутоқлар аро,  
уларнинг уйқусин бузар шамоллар  
ва қайсар эшагин ниқтаб бесадо  
уйга қайтаётган бозорчи чоллар.

Томга учиб тушган ёрқин бир юлдуз  
кўйдира бошлаган пайтда ўтларни,  
мункайган чол каби қариган кундуз  
Шоҳизинда томон писиб ўтарди...

Эски шаҳар ухлар, мудраган тоқлар  
пахса деворларни маҳкам қучоқлар.  
Ухлайди бозорда қовуну ноклар,  
Армонга айланиб муаттар боғлар.

Тунги сукунатда тўкилар ерга  
йиллар нафасидан нам тортган шўрхоқ.  
Боладек мўлтираб боқар шаҳарга  
бир четда биқиниб олган митти боғ.

1979

## ДАРАХТ

У йўлларни  
олқишлар мангу,  
Йўлларга бағишлар болалигини.  
Унинг ҳорғин новдалари  
шамолларни улғайтиради.  
Одамларга берар  
болаларини.  
У қуёшни биринчи кўрар  
ва бағрига яширар тунни.  
Қуёш тик келган пайтда  
ерга тушар туннинг акси.

У ўзини оловга берар,  
одамларга берар оловни.

1979

## ЭНГ КУЧЛИ БАҚИРИҚ...

Энг кучли бақириқ —  
Соқовнинг бақириғи.  
Ў, қандай куч билан бақирар  
қабртошлар...

Энг кучли сукунат — на кўз сукути,  
на соқов сукути, на тош сукути,  
Энг даҳшатли сукунат — Шоир жим юрса...

1979

\* \* \*

Жавзо туни...  
Яйлов...  
Ҳилол чарақлар...  
Оқ бия бошини кўтарар кишнаб —  
Кўзи ярақлар...

Яшашдан маст гўё  
Қировранг тойчоқ...  
Чеки йўқ кечани забт этиб борар  
Хушбўй бир булоқ.

Чайқалар кемадек  
Оппоқ наъматак,  
Хуш исли шамоллар кўксини тешиб  
Томади шабнам...

Шаталоқ отиб елар  
Қировранг тойчоқ...  
Оқ бия бошини кўтарар, туяр —  
Шивирлар булоқ...

Яйлов узра кеча...  
Баҳор...  
Ой...  
Адир...  
Титраб-титраб бўйин томиригача  
Отлар ўтлаётир...

1982

\* \* \*

Тунги боғлар суратга ўхшар,  
ҳар бир чизиқ аниқ ва қора.  
Кундузи у мен каби яшар,  
тунда — қотиб қолган хотира.

Нозик чизиқ....  
Ва кўпкарига  
кирган отдек шиддатли чизиқ.  
Гўё барин боғ дафтарига  
қўйган каби мусаввир чизиб.

Боғлар тунда суратга ўхшар,  
қора тортиб қолар чизиқлар.  
Шунда қанча узоқ тикилсанг,  
хотира ҳам шунча чўзилар.

1979

## КУЛОЛ МУҲАББАТИ

Саҳардан то оқшомга қадар  
Кўкда порлаб ёнмагунча ой,  
Эртақ сўйлар сархуш бармоқлар,  
Эртақ тинглар қизил рангли лой.

Лойни силар бармоқлар, аёл  
сочларини силаган каби.  
Лойга кўчар қувонч ва хаёл,  
лойга кўчар кулолнинг қалби.

Саҳардан то оқшомга қадар,  
кўкда порлаб чиқмагунча ой,  
соғинчларин осмонга сўйлаб,  
қуёш билан бирга куйлар лой.

Оқшом эса, чарчаган кулол  
чиқиб кетган пайт чойхонага,  
оқ чодрага ўранган аёл  
кириб келар устахонага.

Еноқлари қуёшдек қизиб,  
қўлга олар ҳар бир кўзани  
ва бармоқлар тафтини сезиб  
ўпа бошлар улар изини.

1979

## **МЕН ДАРАХТГА АЙЛАНДИМ ТУНДА...**

Мен дарахтга айландим тунда  
ва аксимни кўрдим осмонда.

Юлдузларни шохимга ўраб  
боқдим: наво оқди ялтираб.

Қапалакдай ухлади дунё,  
ухламади мен каби дарё.

Мен дарахтга айландим тунда —  
тонгга қараб ўсди шохларим.

*1979*

\*\*\*

Сенинг хонангда чироқлар кулар,  
Сенинг хонангда яшар кулгулар.

Сенинг дарчангдан бошланар осмон,  
Менинг дарчамдан бошланар замин.

Сенинг гулларинг байроқдек ёнар,  
Менинг гулларим юзида қон йўқ.

Сенинг ҳовлингни итлар қўриқлар,  
Менинг ҳовлимни девори ҳам йўқ.

Сен ўз севгингни қилмайсан ошкор,  
Менинг севгимни қушлар ҳам билар.

1979



\* \* \*

Кўз ёшларинг нигоҳинг тўсиб,  
Сен кутасан ўйчан, фаромуш.  
Қўлларингни кўксингга босиб,  
Деразадан қарайсан хомуш.

Стол узра товланар чўчиб  
Рангин гуллар — эркак тухфаси,—  
Гулдондан сув ҳўпламоқ учун  
Тўплангандек қушлар тўдаси.

Эркак қайтмас.  
Кунлар тинч ўтар,  
Гул япроғи кетмоқда тушиб.  
Стол узра бужмайиб ётар  
Рангин қушлар тўккан кўз ёши...

1979

\* \* \*

Кўчага чиқади хаёлчан эркак,  
Осмонга боқади.

Осмонда — қушлар.

Ва ерга эгилар — заъфар рангли барг  
Унинг қўлларида шивирлай бошлар.  
Хаёлчан эркакнинг кўксида қайғу  
Япроқдек шивирлар, япроқдек заъфар.  
Унга ором бермас тунлари уйқу.  
Унга ором бермас кундузи зафар.  
Хаёлчан эркакнинг кўзидан ўтар —  
Тош йўлка. Тун. Ёмғир.

Сокин бир титроқ.

Йўлак четларида ўсган гул-ўтлар,  
Ерга бағрин босиб чайқалган қуш-боғ.  
Эркак хаёлида бир аёл яшар —  
У гулга сув қуяр, шивирлар эртак  
Ва сочидан тунлар қуюлиб тушар,  
Тушларига кирар хаёлчан эркак.

1979

## ЁЗ ТУНИ

Тун оқади бағри тўлиб тинч сурурга,  
Унга қулоқ тутар чексиз, ойдин дала.  
Юзларини чайиб ҳилол сочган нурга,  
Ухлаб ётар супа узра олти бола.

Ухлар дунё капалакнинг қанотида,  
Япроқдаги шабнам каби ухлар дунё.  
Бундай тиниқ, сокин тунни ҳаётида  
Гўё қайтиб кўрмас энди бирор гиёҳ,

Тевада ой сузиб борар бахтдан сармаст,  
Овунтирар дарахт ташна илдизларни.  
Супа узра жўр бўлганча олти нафас,  
Эритади кўкда ёнган юлдузларни.

1979

## **ЖИЙДА**

Шамолга айланиб юлдуз нафаси  
Қорайган боғларга кириб, ҳижжалаб  
Ўқий бошлаганда майсалар исмин,  
Уйғонар далалар аро жийдалар.

Йўлларни олқишлар шамоллар эсса,  
Йўловчи кўринса энтикар бахтдан.  
Хушбўй шамол эсар, йўловчи эса  
Кўзини узолмай турар дарахтдан.

*1979*

\* \* \*

Қафасдаги ғамгин қушни  
Озод этмоқ — шеър битмоқ.  
Болаликда кўрган тушни  
Эсламоқ ҳам шеър битмоқ.

Ғазабингни яширолмай  
Мисли сиртлон, мисли шер,  
Тишларингни ёвга санчсанг,—  
Бу энг қутлуғ, улуғ шеър.

Қамоқдаги маҳбус кўзи  
Қирқ йилдан сўнг эмса нур,  
Дилдаги ўт — шеърнинг сўзи,  
Қирқ йиллик нур — шеър эрур.

1979

## ҚУШ УҒРИСИ

Кўйлагининг енги йиртилган,  
Қора тер қотиб қолган юзида.  
Кўз қирини ташлар чорраҳа томон —  
Уни қувлаганлар кўринмай қолди.  
Пайпаслар қўллари билан куйлагини у —  
Безовта типирлар қўйнида икки қуш.  
Кейин қушлар юрагининг  
Қўрқув тўла дукуллаши остида  
Нафасини ростлай бошлайди.  
Яна қараб қўяр чорраҳа томон  
Хавотир билан.  
Қушларни силаркан  
Қўлларининг титроғи босилар.  
Кейин у  
Қушларни  
Учириб юборар...

1979

\*\*\*

Мезон кечди.  
Қандай шошиб кечди бу мезон.  
Ҳосил тўла араваси лойларга ботиб  
Сочи оқарди.

Мезон кечди.  
Қандай маъюс кечди бу мезон.  
Оромни, уйқуни унутиб қариди.  
Юлдузларга улашиб берди  
Дарахт учларида қолган нокларни.

Чинни косаларга шаробни қуйиб,  
Келинг, мезон билан хайрлашайлик.

Қишда уни яқин дўст каби  
Жуда кўп бор эслаймиз ҳали.

1979

\* \* \*

Тунги боғлар — сирли, қўрқинчли,  
Хусусан куз, хусусан кеч куз.  
Қора тунга бўлиб қўриқчи  
Қотиб турар дарахтлар унсиз.

Оёғингнинг остида ногоҳ  
Чирс этару синиб тушар шох,  
Бироқ, улкан қушдек баногоҳ  
Қалқиб кетар бутун улкан боғ.

Тунги боғлар қора ўпқондай  
Гувлар бўрон кезинган чоғлар.  
Боғни четлаб ўтади тунда  
Қўрқа-писа ойдин сўқмоқлар.

1979



## БОЛАЛИК ҲАҚИДА ШЕЪР

Ҳали унутганимча йўқ  
Дарахтларнинг тилини,  
Қушлар билан луғатсиз сўзлаша оламан —  
Ҳали унутганимча йўқ.  
Ҳалиям ишонаман ва қайғураман  
  Юлдуз учса тунги осмондан.  
Майсаларни мажақламайман —  
Майсалар дарахтга айланишига  
  Ишончимни йўқотмабман ҳали.  
Ҳамон қўрқаман —  
  Болаликда қўшнимизнинг итидан  
  қўрқардим,  
  Эртак китобларим тугаб қолишидан  
  қўрқардим.  
Бугун эса энамнинг оппоқ  
  сочларига боқиб  
  қўрқаман...

1984

## ЧОН ЧХОЛ'НИНГ ИККИ ШЕЪРИ

### 1

Майли, гарчи битта оқ кўйлагим бор,—  
мен уни яхшилаб ювиб оламан.

Қуёшнинг тигида қуритиб якбор,  
дазмоллаб тонг пайти кийиб оламан.

Топ-тоза матонинг остидан бирдан  
кўтарилар қанот мисоли елкам.

### 2

Бир соя сирғалди сокин сув узра —  
кўприкдан ўтарди қари руҳоний.

«Юрмаган йўлинг-ку қолмаган, сўзла,  
тақдир қайга элтар ушбу он сени?»

Йўлидан тўхтамай у менга шу дам  
осмонни кўрсатди ҳассаси билан.

---

<sup>1</sup> Чон Чхол — қадимги корейс шоири.

## ЭРИБ КЕТАР ХИРА ТУМАНЛАР...

Эриб кетар хира туманлар,  
капалакдек уйғонар ялпиз.  
Осмон дарё бўлиб туюлар,  
ўтлар узра чопқиллайди кўз.

Қайрағочнинг гули — митти жом —  
жаранглайди — таралар атир.  
Ва тушларга кирар бу оқшом  
майсаларни қучоқлаб адир.

Шамол елар эркин, қутуриб,  
қурий бошлар томлар тўсини.  
Гуллаётган олчани кўриб  
деразалар очар кўксини.

Ёритганча то юрак ичин  
сабза ўтлар шабнамга қонар.  
Ватанини соғинмоқ учун  
ер остида жангчи уйғонар.

1980

## КЕРАК БЎЛСА...

Керак бўлса қилич учида  
яша, йиғла ва кулгин тўлиб!  
Сариқ рангли гуллар ичида  
очил кейин қизил гул бўлиб!  
Дилингдаги сўзни айт фақат,  
севсанг, бахтли этгин аёлни.  
Унга сен зар, тиллани эмас,  
инъом этгин ойни, шамолни.  
Ўчингни ол ёвдан, зулматдан,  
сотқинлардан, энг охир майдан,  
сон-саноқсиз тераклар аро  
энг бақувват чинорга айлан.  
Атроф ёлғон билан тўлганда  
ичга ютиб титроқ нолани,  
чоллар соқов бўлиб қолганда,  
Қутла чин сўз айтган болани.

1980

## ТУН ШУНДАЙ ЗИМ-ЗИЁ

*(М. Флорианга назира)*

Тун шундай  
зим-зиё —  
нақш олмалар  
юлдуздек порлар.

Тун шундай  
чуқурки —  
Учган юлдуз  
қудуққа тушар.

Тун шундай  
ойдинки —  
Келинчаклар  
дарчани тўсар.

Тун шундай  
сокинки —  
Эшитилар  
қуёш нафаси.

1980

## САМАРҚАНД

### 1. ҚУНДУЗ

Қўчалари бир-бирин тинмай  
Такрорлайди мисли акс садо.  
Олислардан келган кемадай  
қалқиб турар Регистон танҳо.

Шу кемада келгандай, тушиб  
эмаклайди ташна тонготар.  
Унга асрий ўйларини қўшиб  
тошҳовуз бир ҳовуч сув тутар.

Кўкда мовий дарё сузади,  
оқиб ётар мовий бир кадар,  
Алплар отган пўлат найзадек  
кўкка ботиб турар минорлар.

Олислардан келиб зиёрат  
қилган каби армон мазорин,  
Бибихоним масжиди узра  
янграр Улуғ Қушлар Бозори.

Олиб чиқар нурга кўмилиб,  
боболарга қирқ қари зина  
Ва эртакнинг нуқтаси бўлиб  
қотиб турар тунд Шоҳизинда.

Шоҳизинда қабрларида  
ухлаб ётар юз-юзлаб шаҳар.  
Бироқ, унда энди ҳеч қачон  
тун чўкмайди, оқармас саҳар.

## 2. ТУН

Юлдузларга боқиб сармаст  
шовиллайди чорбоғлари,  
шаҳар томон оқиб тушар  
Афросиёб сўқмоқлари.

Улар ойдин, улар сархуш,  
ичгандек куз шаробидан,  
Ерга қўнар мисоли қуш  
хазонлар — ол, зардобиранг.

Мункиллаган кампирлар жим  
шам ёқади мозорларда,  
Саратоннинг иси ҳоким  
мудраб ётган бозорларда.

Ачиган май иси кезган  
ҳовлиларда шамол-дайди,  
ниманидир гўё излаб,  
хумлар гирдин айланади...

Ҳамма ухлар, фақат шамол  
дарахтларнинг сочин тарар.  
Ухламасдан қўриқлайди  
Самарқандни миноралар.

## 3. ТОНГ

Туш кўрдим мен бугун саҳарда —  
Титраб ёниб дил ларзасидан,  
кирармишман мовий шаҳарга  
мен Навбаҳор дарвозасидан

ва юлдузлар чанги қопланган  
майсаларнинг яшил қоғозин

Ўқиб турсам, ернинг қаъридан  
янграр эмиш инсон овози:

— Мен опичлаб Афросиёбни  
олиб келдим, чиққин югуриб.  
Тушда кўриб ҳар кун офтобни  
сочим кетди қордек оқариб.

...Уйғондиму чиқдим кўчага —  
Шаршарадек ойдин эди тун.  
Қиздек ухлаб ётган кечага  
мен меҳримни бердим ўша кун.

Кўзим тиниб осмонга боқдим,  
У шишадек порларди совуқ.  
Ёр яшаган равоқдан оқиб  
тушар эди пастга чирмовиқ

ва куз меҳри чулғаган боғда,  
она шаҳрим, сени ўйладим.  
Кекса боғлар уйғонган чоғда  
тонгга сингиб кетди ўйларим.

1980



**ДАРЁ ЙЎҚДИР  
СОЧИНГДАН БОШҚА...**

Дарё йўқдир сочингдан бошқа,  
тўлқинида оқай десам.  
Кўзингдан бошқа юлдуз йўқ,  
қарай десам, боқай десам.

Исмингдан бошқа бир сўз йўқ,  
айтай десам, тўяй десам.  
Кўзингдан бошқа юлдуз йўқ,  
оловида куяй десам.

Меҳрингдан бошқа кундуз йўқ,  
суякларим тоблай десам.  
Кўзингдан бошқа юлдуз йўқ,  
ўзга йўлдан кетай десам.

*1980*

## ЗАЪФАР ҚИРДА...

Заъфар қирда саман отнинг  
кокилини ой ўпар.  
Ой нурлари сукунатни  
чўмилтирар, яйратар —  
Заъфар қирда саман отни  
кечага ҳады этар.

Қоронғида ялтирайди  
саман отнинг кўзлари.  
Тун қўрқади қалтирайди,  
тун кўзида шубҳа бор:  
олиб қочиб кетмасми деб  
сукунатни бу тулпор...

1980

## ШУҲРАТНИ ЕДЛАБ

Тупроққа топширдик биз жўрамизни,  
оқарган юзини кўзларда асраб.  
Аммо кўмолмадик дил ярамизни  
уни қўйдик оғир сўзларга ўраб.

Тош каби қотибди бизнинг дийдамиз,  
ёмғир ювган тунлар ориқ юзини  
қўрқмасдан эсладик сархуш пайтимиз.  
Фақат эсламоқдан қўрқдик кўзини.

Бир куни...

шом эди...

айвонда туриб,—

кимдир деразани очди. Биз турдик.  
ҳовлида гуллаган олчани кўриб  
уни эсладигу йиғлаб юбордик.

1980

## ЭПИТАФИЯ

Менинг сочим оққа кўмилгай,  
Сочингга оқ тушмай кетдинг, хайр!

Аравонда бир гул ўсади,  
Дўстим, сенинг қабринг устида.

Булутлар жим кўкда йиғилар,  
Булутлар гул устида йиғлар.

Оғриқларга бардош бер, кўксим,  
Келолмайди ёрдамга дўстим.

*1980*

## 1231 ЙИЛ 16 АВГУСТ<sup>1</sup>

Тушига кирибди Гурганж боғлари —  
баҳор кирган эмиш қари пойтахтга  
ва бирдан кўрибди — ёв пичоқлари  
санчилиб турармиш ҳар бир дарахтга.  
Қараса дарахтмас, қизлар турармиш,  
санчилиб турармиш ёв пичоқлари.  
Баҳор эмас, боғда кезар эмиш қиш,  
қорайиб ётганмиш Ватан боғлари.  
Тушига кирибди Жайхун бўйлари —  
Қийғос очилганмиш ўрик гуллари  
ва бирдан кўрибди — Чингиз ўқлари  
баҳор қушларидек учар юрт сари.  
Қараса, муз эмас, оқаётганмиш  
синглиси, онаси ва ўғиллари.  
Оқиб кетар эмиш тўлқинларда, қиш  
заҳридан тўкилган ўрик гуллари.  
Терлаб уйғонди у ваҳима билан,  
зангор самоларга чўзди қўлини.  
Тепада танҳо бир юлдуз чарақлаб  
ёритиб турарди Гурганж йўлини  
ва бирдан англади, аямай босиб  
баҳорнинг сарғайган, заъфар ўтини,  
уни сўнгги юлдуз нуридан тўсиб  
қилич ушлаб келар эди ўлими.

1980

---

<sup>1</sup> 1231 йил 16 август куни Жалолоддин Мангуберди ҳалок бўлган.

## НАМОЗ<sup>1</sup> ЙЎЛИ

Қора шамол ўпқондек қайнар,  
Фарёд қилар чорбоғларда куз.  
Намоз эрк қиличин қайрар,  
Улим билан чиқар юзма-юз.

— Қайтган, Намоз!— қичқирар йўллар.  
Чинор инграр:— Қайтақол, Намоз.  
Йўлларини тўсмоқчи бўлар,  
Қоронги тун — мавҳум бир овоз.

— Сен қоядай яккаю ёлғиз,  
Исён қилмоқ — энг оғир қисмат,  
Қара, кўкдан қулади юлдуз,  
Бу ишора умрингга нисбат.

Қари ота мўлтирар:— Қайтгин!  
— Қайтгин, ўғлим,— ёлворар она.  
Сингилларин нафаси қайтиб,  
Чўзилмишлар худди остона.

Қутуради телбакаш бўрон,  
Юзга пуркаб қорлар нафасин  
Ва сукунат қалқар ногоҳон  
Илғаб нотинч туёқлар сасин.

---

<sup>1</sup> Намоз Пиримқул ўғли (1865—1907)—1905—07-йиллардаги рус революцияси даврида Самарқанд атрофидаги қишлоқларда кўтарилган халқ ҳаракатининг йўлбошчиси... Подшо маъмурлари ҳамда маҳаллий бойлар

Бойлар қўрқув даҳшати ичра  
Қўрпадан бош чиқармай титрар.  
Тунги йўлдан чавандоз кечар,  
От ортидан югурар тутлар.

Намоз кетар...  
Йўллар устида  
Муқаннаю Широқ излари.  
Қаршисида титраб осуда,  
Тўмариснинг порлар кўзлари.

Намоз кетар...  
Қасос туғилар,  
Тобланади ханжар каби тан.  
— Қайтма, ўғлим, сен мени қутқар!—  
Шивирлайди ғамдийда Ватан.

1981

---

зулмидан сабр косаси тўлган халқ Намоз бошчилигида бош кўтарди. Намоз фақат бой ва амалдорларни таъқиб этган, камбағаллар учун ҳар қандай ёрдамга тайёр турган... Отряддаги хоинлик натижасида Намоз қўлга тушди. Қўрқмас ва тадбиркор Намоз 60 маҳбус билан қамоқдан қочишга муваффақ бўлди. Аммо кўп ўтмай амалдор ва бойларга сотилган хоин томонидан қатл қилинди.

(Ўзбек Совет Энциклопедияси, 7 том.)

## НАМОЗ ҲАҚИДА ҚҶШИҚ

«Машҳур Намоз Пиримқул ўғли  
бошчилигидаги ҳаракат  
очикдан-очик сиёсий тус олган  
эди».

*«Ўзбекистон ССР тарихи» дан.*

Жарлар аро бўридай писиб,  
ўтлар каби ўрмалар Намоз.  
Жаранглайди туёқлар саси —  
уни қувар бу машъум овоз.

Писиб юрар ўз Ватанида,  
қўлларида занжирнинг изи  
ва юракдай янграр танида  
озодликнинг бўғиқ овози.

Намоз боқар, ана, йироқда  
она қишлоқ кўриниб турар.  
Қани кел, деб ярим тун чоғда,  
ойдинликда сўқмоқ ярақлар.

«Ў, ёмғирлар, йўлларда қолса,  
ювиб ташланг унинг изини.  
Ў, шамоллар яширманг сира  
туёқларнинг қора сасини».

Ўз уйини кўриб турару  
киролмайди эшикни очиб.  
Кечалари соғинади у  
Хотинининг сунбулдек сочин.

Саратоннинг ўтлари аро  
ухлар отдек зийрак ва сезгир.  
Юрагида уйғоқдир, аммо  
Ватан деган муқаддас севги.



Ҳа, Ватандир барчадан юксак,  
муҳаббатдан юксак Ватан бор.  
Шу Ватан деб жон бермоқ керак,  
Ватан — эрк деб аталган диёр.

Тўқайларда ухлар қиличдек  
ёғийларнинг қонига ташна.  
Тунлар ёвқур бургутдек учди  
йигитларни жангларга бошлаб.

Ухлаб ётар қишлоқлар, уйлар!  
нуқра ойнинг шуъласига ғарқ.  
Қўтондаги қўйлардек ухлар  
ўз эркини йўқотган бир халқ.

Қора қирлар аро Намознинг  
қонларига чўмилган ўтлар  
эркка ташна юрак овозин  
неварага бир кунни элтар:

«У, юрагим, ухлаб ётар Шарқ,  
сенга боқиб, сенга умидвор.  
Озодликни истаса гар халқ,  
жанг қилмоқни билмоғи даркор».

...Эрта-индин симлар етказар  
ва қорлардан кийиб оппоқ бўрк,  
«Энди Намоз йўқ», дея маза  
қилиб қўлин ишқар Петербург.

Ва Намозни тупроқ олган шом  
бўғиқ сайрар даштда турналар —  
бешиқларга боғлар интиқом  
болаларин кекса оналар.

1980

## БОТИР НАМОЗ УЛИМИ

*(1907 йил 3 июнь)*

Қоронғи тун мастона  
аёл каби қучоқлар.  
Ошиқлардек учрашар  
тун қўйнида пичоқлар.

Даҳшат сочиб таралар  
қоннинг алвон садоси.  
Димоқларга урилар  
ёвшангуллар нидоси.

Эркаклар гул — аёлни  
ҳидлаб ётган кечада,  
ботир Намоз ўлимни  
излаб чиқди кўчага.

Осмонда оқ маржонлар,  
узилгандек иплари,  
Келар Намоз ортидан  
хиёнатнинг итлари.

О, жавзо қучоқлаган  
қоронғи тун — сокин юрт!  
Юртим дея тинмаган  
Чавандозни яшир, ют!

Яшир маржон ипларин  
яширган шум судхўрдек.  
Оқ подшонинг итларини  
тишларини суғургин

Ботир Намоз қиличин  
тиғида ой рақс тушар —  
Синдирилди қиличи,  
бошини эзди тошлар.

Унинг титроқ лаблари  
айтар жон чиқар они:  
«Унутманг, тун итлари,  
менинг қоним — халқ қони».

*1980*

## НАМОЗНИНГ ҚИЛИЧИ ҲАҚИДА ЭРТАК

Самарқанд даштларида  
Отлар дупури тинди.  
Намозбекни ўлдириб,  
Қотиллар тунга сингди  
Улар Намоз қиличин  
Ташладилар булоққа.  
Отга уришар қамчин  
Кирган каби улоққа  
Тунга сингиб кетдилар,  
Тун ҳам ютди уларни.  
Отларнинг туёқлари  
Мажақлади гулларни.  
Ой нурида ялтирар  
Хоҳ баҳор, хоҳ куз кечи,  
Булоқнинг тубидаги  
Ботир Намоз қиличи.  
Ҳеч ким уни изламас,  
Ҳеч ким уни кўрмайди  
Ва қилич ўч ҳақида  
Кечалари куйлайди.  
У фақат қўрқар, уни  
Олмаса бас қутлуғ дам  
Юрагида қасоси  
Бўлмаган бирор одам.

1980

## ЭРТАҚНИНГ ДАВОМИ

Қиз сочида шамол ҳайқирар,  
гувлар шамол каби қиз сочи.  
Йўл тугару уйига кирар  
қиз зангори эшикни очиб.  
Остонада қолади шамол,  
чекинади уфққа кундуз.  
Пахса деворларни қучоқлаб  
йиғлар шамол кўчада унсиз  
ва шамолни дарахт шохлари  
олар экан тинч қучоғига,  
сочилади куз япроқлари  
қиз яшаган уй равоғига.  
Дарахтлар ҳам ҳеч чидаёлмай  
деразадан мўралар маъюс.  
Дарахтларни олиб кетолмай  
остонада турар сарсон куз.  
Қуюқлашиб бораркан майдай  
қора туннинг қора бўёғи,  
қиз кўрпага ўранган пайтда  
тиниб қолар кузакнинг боғи.  
Бу сукунат фароғатидан  
қиз киприги юмилгач аста,  
қиз сочини соғинган шамол  
деразани очар оҳиста  
ва тилларанг хазонлар сочиб,  
боқмай ойнинг нур ўйинига,  
қордек оппоқ чойшабни очиб,  
кирар ойдек қизнинг қўйнига.

## ҲОЖИ АБДУЛАЗИЗ ҲАҚИДА ҚУШИҚ

Қўшиқ — бу юрак байти  
ва сўзларнинг фарёди.  
Қоп-қора оқшом пайти  
янгради «Ушшоқ» доди.  
Фонуснинг тиллари ҳам  
жўр бўлар бу қўшиққа  
ва титраб етиб борар  
ҳилол — тилла бошоққа.  
Қора шохли дарахтлар  
силкинар куй авжида.  
Юлдузчалар чўмилар  
ойдин қайғу мавжида.  
О, Ҳожи бобо саси,  
қалқир ҳорғин минорлар,  
бир-бирининг кўксига  
бош қўяди чинорлар.  
Гўри Мир даҳмасида  
ўкиради оплоқ тош,  
тош остида Улуғбек  
кўзида қалқдимми ёш?  
Титратар гумбаз аро  
қотиб қолган ҳавони  
ва ранглар ташна саҳро  
каби ютар навони.  
О, Ҳожи бобо саси,  
девордан оқади ранг  
ва ранг билан юракни  
бўяр мусаввир оҳанг.

Бу қўшиқнинг дардидан  
мойчечаклар сарғаяр,  
уларнинг баргида жим  
тош кўз ёши сирғалар.  
Тун қучган ҳовлиларда  
ухлатиб неварасин,  
Кампирлар уйғотмоқда  
юракдаги ярасин.  
Расадхона шаҳардан  
қирлар томон югурар  
ва унинг нафасига  
ёвшаннинг ҳиди урар.  
Шоҳизинда бағрида  
янграр қирқ зина сози —  
қирқ пардага бўлинар  
Ҳожи бобо овози.  
Бу қўшиқнинг сасидан  
ҳаво дардга қорилди,  
бўғзимдаги ғунчалар  
анор каби ёрилди.  
О, Ҳожи бобо саси,  
нақадар ғамгин, маҳзун.  
Бу овознинг нафаси  
ҳофиз умридан узун.

О, Ҳожи бобо саси —  
ёвшангуллар нафаси...

1980

## АЛИШЕР НАВОИЙ

Қўлга қалам олган олис кун,  
шеър ёзишни бошлаган ондан ,  
қабрингизга бош эгмоқ учун  
боргим келар Ўзбекистондан.  
Куз сўнгида, Тахти қорача  
Довонини босмай туриб қор,  
Самарқанддан чиқсам мен йўлга  
Дилда туйиб аламу виқор.

Чиқсам шаҳар бағридан сўнги  
хазонларни бирма-бир босиб  
ва кузатсин кун нури сўниб,  
Гўри Мирнинг мовий гумбази.  
Кечиб ўтсам Амударёни  
ҳилол билан бирга баробар,  
кечиб ўтсам бешта дунёни  
ва Ҳиротга кирсам тонготар...

Уёғини этмам тасаввур,  
йиғи қисар кўксимни бирдан.  
Яшайпман қабрингиз бир қур  
кўриб ўлмоқ нияти билан  
ва сиёҳи қуриб битмаган  
шеърларимга туриб юзма-юз,  
ҳар кун тунда йўлга чиқаман,  
ҳар кун тонгда қайтаман маъюс.

1980



## БИБИХОНИМ

### 1. УСТА

Мен шовқинга тўла бозордан  
ҳайрат тўлиб тану жонимга  
термиламан кўкда порлаган  
улуғ хаёл — Бибихонимга.

Термиламан, топаман излаб —  
ҳув, хароба кўк гумбаз узра  
эртас қаддин тикламоқ истаб  
ўй суради мункайган уста.

У қовжироқ, титроқ қўлларнинг  
бўйсундириб иродасини,  
тинглар қадим ғиштлар куйлаган  
рангин гуллар ҳикоясини.

Олисларда гувилларкан боғ  
учиб кетмоқ бўлгандай ердан,  
уста тикар самога нигоҳ  
ва кўзлари қамашар нурдан.

Бироқ бирдан кўк тилга кирар,  
сукут синар нақ шишасимон.  
Хира кўзлар қаърига чўкар,  
гумбазнамо шаклда осмон.

Шунда ёниб шиддатдан қалби  
пастга, ерга ташлайди назар,  
унда оний дақиқа каби  
учиб ўтар баҳорлар, кузлар.

Пастда қолди шарафу олқиш,  
Пастда қолди қарилик — хаста.  
Фисқу фасод, ғийбату ташвиш —  
қолиб кетди барчаси пастда.

Пастда бўғиқ суронга тўлиб  
оқиб ётар гавжум кўчалар.  
Пастда нуқра сочин силкитиб  
сўкинади маст ёрдамчилар.

Пастда қолиб кетди ўқлардан  
яраланган ғиштлар, нақшлар.  
Пастда қолиб кетди устанинг  
кўзларидан тўкилган ёшлар.

Бунда эса гумбаз ва осмон  
бир-бирига қоришиб ётар,  
ботаётган қуёш осмоннинг  
ва гумбазнинг бағрига ботар.

Бунда дилда парвознинг ҳисси  
уйғонади... Ё раббим! Наҳот?!  
Кўкни қўмсар занжирлар қисиб  
оддий қўлга айланган қанот.

## 2. БОЛА

Бола ҳар кун келар оқшомда,  
тут тагига бориб ўтирар  
ва сарҳадсиз нилий осмонга —  
кўк гумбазга боқиб ўй сулар.

Офтоб акси тушиб нақшларга  
бўғилади бақироқ бозор.  
Сукут чўқар улкам шаҳарга,  
тиниб қолар мисоли мазор.

Бу сукунат болага ёқар  
ва сукутни у тинглаган дам,  
боши узра силкинган шохлар  
қора тортиб борар хотиржам.

. . . . .

Сўнг ичкари кирар у сармаст  
ва тепага боқар бахтиёр.  
Ташқарида шитир этган сас  
янграр бунда жомдек улуғвор.

Ташқаридан ҳар бир товушни  
ютар бунда уч эшик — қулоқ.  
Ютадию дарахтнинг, қушнинг  
қўшиғини такрорлар узоқ

. . . . .

. . . . .

«Мен тепага чиқишим керак»,—  
деган бир ўй чулғаган оғи,  
бежо тепа бошлайди юрак,  
гупуради соғинчдан қони.

Илк қувончи, илк қўшиқлари  
ва илк ғаму қайғуси билан  
юксакдаги кўк гумбаз сари  
кўтарилар бола хаёлан...

Мана, осмон елкангга тегар,  
мана, қолди пастликда шаҳар.  
Ана, ғарбда қуёш ҳам чўкар,  
ана, шарқда кўринар саҳар.

...У умрида ҳали ҳеч қачон  
чиқмагандир бундай юксакка,  
шунинг учун оловлар қон  
ва юраги сиғмас кўкракка.

Ҳали унинг кўксида тирик  
эртаклари олмоқда нафас.  
Кўзларини асраган киприк,  
билмас ёшни, қайғуни билмас.

Ҳали унинг қўшиқларига  
ситилмаган ғамгин садолар,  
Ҳали унинг қўшиқларига  
жўр бўлмаган ёлғон наволар.

Бироқ, соқов, гунг бўлган бола  
тўлдиргандек ерни овозга,  
кўзлари кўр ва хаста бола  
чизганидек нурни қоғозга,

оёқлари шол бўлган бола  
учганидай қушдек осмонда  
ва санашни билмаган бола  
санагандек юлдузни тунда,

Бу бола ҳам ҳар кун такрор  
орзусини кўради аён:  
Кўтарилиб борармиш тонгда  
юксакдаги кўк гумбаз томон.

*1980*

## СУНГГИ КУЗ

Мезон оқшомлари қуйилгач тунга,  
қайғулар уйғонар кўксимда ногоҳ.  
Боқаман, дарахтлар сингар осмонга,  
англайман: яшамоқ оний бир нигоҳ.

Кун келар, қушларнинг тўдаси узоқ  
айланар осмонда ва ўчар саси —  
баҳор — ташна қушлар интилган тузоқ,  
кузак — синдирилган қушлар қафаси.

Кетарлар қушчалар парвоз билан маст,  
Қайтарлар увиллаб қора шамоллар.  
...Болалар қушларнинг кетганин билмас,  
йиғлаб кузатади қушларни чоллар.

1980

## ОСМОНДА БУЛУТ ЙҰҚ...

Осмонда булут йўқ,  
шамол ухлаган,  
термиламан ҳовуз сувига.  
Балиқ сузар, шуъла, гул, менинг соям —  
ҳаёт акс этади ҳовузда.

Онам хонтахтага нон қўйиб кетар,  
хотиним қўйиб кетар бир коса гулоб,  
Синглим қўйиб кетар бир ҳовуч гилос.  
Баланд зинапоядан  
тушиб келмоқда  
ҳовлимизга  
жавзо офтоби.

1986

## УЛУҒБЕКНИНГ ҚАСОСИ

(1449 йил 27 октябрь)

Учар қора айғирлар... Тун  
сукунати синади,  
мўрилардан учган тутун  
совуқ тунга сингади.  
Кўзлари қон билан тўлиб  
учиб борар ўн сарбоз.  
Отлар туёғида бўзлар  
эзилган ўт беовоз.  
Самарқанднинг минорлари  
кўзин узмай ўн отдан,  
кузатади даҳшат билан  
қора ўлим ортидан.  
Йўл четига тисарилар  
дарахтлару чорбоғлар.  
Отлар билан учиб борар  
қонга ташна пичоқлар.  
Олисларда ўлим сасин  
сезиб қолган оч бўри  
увиллайди, қон мазасин  
туяй деб шомдан бери.

...Мана, манзил. Отлар боғлаб  
қўйилмайди. Тез! Тезроқ!  
Гувиллайди тунги боғлар,  
дукиллайди дил бежо.  
Қўлларини қайришар,  
қўйишади сўнг боғлаб.  
Дукиллайди юрак бежо,

гувиллайди чорбоғлар.  
Ёнар хира фонус танҳо,  
йўқдир умид, йўқ илинж.  
Шивирлар лаб:— Ё бисмиллоҳ...  
Бош эгилар ва қилич  
ой нурида ялт этару  
ҳуштак чалар ҳавода.  
Қон отилар... Қон оқади  
тиниқ ариқ сувида.

...Қамчиларни тишда қисиб  
от сурганда қотиллар,  
чиқар улар йўлин тўсиб  
мажақланган ўт, гуллар.  
Қора уйга киргач титраб  
қотиллар паноҳ излаб,  
тўрт томондан уйни ўраб  
ола бошлар юлдузлар.  
Яширмасдан дил ларзасин  
айни хира, тинч саҳар  
қоронғи уй деразасин  
учган юлдуз синдирар...  
Беш асрким, кўкда музлаб  
хоҳ қиш, хоҳ ёз, куз пайти  
қотилларнинг боши узра  
ой қиличдек порлайди.

1980



\* \* \*

Уйғон, қишнинг хира тонгида  
Ва энтикиб қулоқ тут —  
Сўнгги бўри увиллар тонгда.

Қўрқма. Қўрқма.  
Қоронғи йўлга —  
Бўри улишидек бу узун йўлга  
Отлан. Садоқатли милтиқни олма.  
Қўрқма. Қўрқма.  
У — сўнгги бўри.

Ўзининг товуши каби у ёлғиз,  
Елғиздир мана шу хира тонг каби.  
Сенга эса ёрдамга келишар,  
Бўйнингни ғажиса бўри.

Чунки сен энг сўнгги  
одам эмассан.  
Отлан. Бу йўл сўнгги йўл эмас.  
Отлан. Тонг ҳам сўнгги тонг эмас.  
Отлан. Болаларингни ўпиш шарт эмас.  
Шарт эмас хотин билан хайрлашмоқ ҳам...

Қўрқдингми?  
Қўрқдингми? Қўрқ...  
Энди тингла, қўрқиб қулоқ тут —  
Увиллайди яна бир бўри...  
Увиллайди бўрилар...

1980

## ШИРОҚ

«Кетяпман»,— деди у хотиржам  
қабиланинг раҳнамосига.

«Кетяпман, токи ҳеч қачон  
қул бўлмасин саклар»,— деди  
қабиланинг йигитларига.

«Кетяпман, унутма»,— деди  
ййловдаги қора айғирга.

«Кетяпман, оппоқ сутингиз  
юрагимда қонга айланган»,—  
деди онасига бошини эгиб.

«Болаларим тезроқ улғайсин»,— деди  
хотинини сўнгги бор қучиб.

Кейин кетди ҳаммаёғи қон...

«Мен ғалаба қилдим!»— деди  
Роносбатнинг<sup>1</sup> кўзига қараб...

1980

---

<sup>1</sup> Р о н о с б а т — Доро қўшинининг лашкарбошиси.

## БЕҲЗОД

Яшил рангни келтирди баҳор,  
қизил рангни келтирди қилич.  
Сариғ рангни дилдаги ғубор,  
юракдаги оғир бир илинж

Ва уларни бирин-бирига  
ёвқур замон қориб ташлади.  
Сен қул бўлдинг ранглар сеҳрига —  
биз рангларни таний бошладик .

*1980*

## ВАТАН

Дилингизда бўлсин қувончи, ғами,  
Китобларда эмас, қоғозда эмас.  
Бўзда яшайсизми, Бухородами,  
Сиз билан баробар у олсин нафас.

Болангизни белаб қўйинг туш пайти,  
Толлар беланчакни учирсин кўкка.  
Аmmo сиз бошида аллалар айтинг,  
Ватан туйғусини солинг юракка.

Айтинг, пахтазорда эгилган лаҳза,  
Айтинг, қуёш қонга ботиб ётганда.  
Айтинг, зилзилалар солганда ларза,  
Айтинг, оқ кўйлакли тонглар отганда.

Тобут узра йиғлаб аллалар айтинг,  
Айтинг, инқилобий курашлар аро.  
Токи қалбимизда жўш урган туйғу  
Фарзандлар қалбида берсин акс -садо.

Бибихонимнинг ерга қулаган тоқи,  
Тунда чақмоқ уриб қулаган терак,  
Боболарнинг ерга қўйилган хоки  
Кўксимизда тирик яшаши керак.

Ватан,— бу дилдаги қувонч, қайғу, шашт,  
Уни тирик сақлар юракдаги сас.  
Ватан,— бу ягона қуёшга ўхшаш.  
Ватан ҳам одамдек олади нафас.

1980

## ДОҲИЙ СУРАТИ ҚАРШИСИДА

Сени, доҳий, суратингдан таниймиз бизлар,  
Учга кирган боламиз ҳам танийди сени.  
Қайси уйга кирма азиз фарзанди каби  
Оналар оқ деворларга илган расмингни.

Қани, доҳий, ўйга чўмиб англайлик бирга,  
Қандай маъно англатади Ленин дегани?!  
Менимча, бу тун қўйнида адашиб юрган  
Одамларни тонгга олиб келинг дегани!

Менимча, бу асрларким соқов элларга  
Сўз ўргатинг, улар куйлаб, ёнсин дегани,  
Саҳро каби қақраб ётган чанқоқ дилларга  
Сув чиқаринг, зиё сочинг, қонсин дегани!

Бугун илк бор дарсга кирган митти гўдакнинг  
Дафтаридай доғ қўнмаган менинг ёдимга  
Келар сенинг битикларинг... Демак, юракнинг  
Қонидасан, шерикдирсан сен ҳаётимга.

Симобдай шўх, ўйинқароқ ўйларим билан  
Мен ҳам тунлар қилдим кўп бор сени безовта,  
Англамоқни истар эдим мен, ахир, дилдан,  
Турмоқ бўлдим ҳақиқат деб муқаддас сафда.

Бугун номинг худди жондек яшар вужудда,  
Чунки кураш борар ҳамон бешафқат, бешак  
Ва бу жангда, кузатишни истамай четда,  
Олд сафларда жанг қилганлар ёлиб чиқажак.

Ғолиб чиқар бу курашда зулматмас, ёғду!  
Қаҳратонмас, баҳор енгар, тош эмас, майса!  
Ёлғон эмас, ҳақиқатнинг нури енгару  
Ажаб эмас жумла жаҳон меҳрга тўйса!

Қимдир менинг сўзларимни қизил сўз атар,  
У билмайди, айтган сўзи нақадар чин, рост.  
Менинг сўзим қип-қизилдир мисли тонготар,  
Қурбонларнинг қони қайнар уларда гуррос!

Шу сабабдан шеърларимда тингламоқ мумкин  
Тўмариснинг, Намозбекнинг ҳайқирғини.  
Қўриб қолмоқ мумкин қора туннинг қаърида  
Муқаннанинг елиб ўтган оқ тўриғини!

Ҳақиқат деб, ёлғон сўзлаб юрганлар озми,  
Ўз халқини алдамакни айлаб шум ният?!  
Бироқ, улар алдаёлмас ҳеч қачон бизни,  
Токи тирик сенинг сўзинг, тирик шеърият!

Ҳар сўзимни қўнғироқнинг тиллари каби  
Юрагимга уриб-уриб жаранглатаман,  
Қаламимни ханжар каби тутиб қўлимда,  
Сўзларимни кураш дея, жангга отаман.

Юрагимдан қайта-қайта энг муқаддас дам  
Ўтказаман сўзларимни саф этиб бот-бот,  
Ўртоқ Ленин, сен биласан, шеъриятнинг ҳам  
Иккинчи бир номи бордир, яъни, Эътиқод!

Эътиқод — михланган алп Прометей қалби,  
Тилагида биринчи бор уйғонган орзу —  
Асрлардан асрларга инсониятнинг  
Орзусига бўлиб қолди у тош-торозу!

Халқим дея, Ватан дея айтилган ҳар бир  
Ҳақиқатнинг сўзларида тирик бўлар у!  
Ҳар дақиқа туғилгувчи уч чақалоқнинг  
Ёғду тўла кўзларида тирик бўлар у!

Ёлғонлар кўп теваракда, аммо Ватанни,  
Эътиқодни ёлғонларга яшириб бўлмас.  
Прометей олиб келган муқаддас ўтдек  
Тангрилар ҳам ҳатто уни тортиб ололмас!

*1980*

## **АФРОСИЁБ СУЗИ**

Саратонда келсанг чангимни ютасан, .  
Чангларга айланган одамлар хокини —  
Юрагин, қўлларин, кўзларин ютасан.

Кузда келсанг, ёмғирим сени ювади,  
Ёмғирга айланган одамларнинг дарди,  
Кўз ёшлари, армони, ғами ювади.

Қишда келсанг, совуқларим қийнайди сени,  
Совуққа айланган одамлар ғазаби,  
Нафрати, қасоси, номуси қийнайди.

Баҳорда келсанг, майсаларим олқишлар,  
Майсага айланган боболаринг умри —  
Мангулик, жасорат сени олқишлар.

Кел, бўтам, ағана, кўксимда силкинган  
Майсазор устига, ахир, сен менинг  
Саратоним, кузим, қишим, баҳоримсан.

*1980*



\* \* \*

Самарқанд,— бу бир ҳовуч қайғу,  
Бир қултум бахт, бир ҳовуч армон.  
Самарқанд,— бу қадим қайиғу  
Сузиб борар келажак томон.

Самарқанд,— бу Ўзбекистоннинг  
Остонаси, биринчи сўқмоқ.  
Бироқ уни англамоқ учун  
Шартдир бутун Ватанни ўтмоқ.

Самарқанд,— бу боболар сози,  
«Муножот»га аксу садодир.  
Қўшиғини қолдириб ўзи  
Кетиб қолган Ҳожи бободир.

Самарқанд,— бу рангин бир исён,  
Ватанимнинг қоқ ўртасида  
Юрагимдай кўтариб сурон  
Боболарга ўқир қасида.

1980

## МИГЕЛЬ ЭРНАНДЕС<sup>1</sup> СУЗИ

(«Кўзлар» достонидан лавҳа)

Қандай юмай, киприкларим қиличга айланса,  
Ватан?  
Қандай юмай, киприкларим қиличга айланса,  
Қандай юмай?  
Қандай юмай, Испаниям осмонида  
Чарақласа йирик-йирик юлдузлар?  
Қандай юмай, дўстларимни кўриб турсам,  
Кўриб турсам улар тутган қуроолларни.  
Испания, сенинг барча мозорларингда  
Қўйилган қора қайроқтошларни — қабртошларни  
Қобоғимга босиб қўёлмасанг, қандай юмай?!  
Она халқим, сен очлиқдан, қулликдан,  
Муҳаббатдан, нафратдан тўккан кўз  
Ёшларингни бир ўзим тўксам,  
Оқиб тушиб қорачиғим, юмиларми кўзларим?  
Қандай юмай, кўзгуларнинг совуқ бағрига  
Қуёш мактуб битса менинг номимга...  
Қандай юмай Қурдобанинг сариқ минорида  
Кўриб турсам қотиб қолган соатни,  
Қандай юмай?  
О, отахон, чақа босманг қабоғимга, чақа босманг<sup>2</sup>,  
У ифлосдир ахлатхона қогози каби.  
Худо бор бўлса қани, айтсин, қандай юмай?!  
О, Испания, гўрим қазиб қўйиб, кўзларимни

<sup>1</sup> Испан шоири Мигель Эрнандеснинг ўлганда ҳам кўзи юмилмаган.

<sup>2</sup> Христианлар кўзлари юмилмай қолган мурданинг қабоғига танга босишади.

юмишимни кутиб турибсан, кечир юмолмайман!  
Қандай юмай, қишлоқларингни, шаҳарларингни,  
яйловларингни, тоғларингни, пичанзорларингни,  
ғорларингни, чумчуқларингни, қўйларингни,  
саратонингни севсам, қандай юмай кўзимни, қандай?!  
Чолларингнинг кампирларингнинг йиғлаётганини,  
болаларингнинг кулаётганини, гулларингнинг табассумини,  
қушларингнинг тухум қўяётганини, йигитларингнинг  
қасам ичаётганини кўриб турсам, қандай юмай?!  
Тўйларингда, азаларингда менинг қадаҳим  
ичилмасдан бир четда тўкилай деб турса,  
ҳар тонгда соғиб олинган сутда адирлар,  
момақаймоқлар тушларини кўриб турсам,  
қандай юмай кўзларимни?!  
Ана, қара, қара, бир бола пода ортидан сивизга  
чалиб бормоқда... кўзларида баҳор ва ўн бешга  
кирган қизалоқ... Қандай юмай, қара, яшил  
ўтлар қуршаган сўқмоқ бўйлаб адирга тушиб  
бормоқда, почалари ҳўл бўлиб кетган...  
сўқмоқ четида ўсган майсалардан шабнам дурлар каби  
тўкилаётир...  
Қандай юмай кўзимни?  
Мен ҳеч қачон шеър ёзмаганман шам ёруғида, электр  
ёруғида...  
Шеър ёзганман ой ёруғида...  
ой нурини тўкиб турса, қандай юмай кўзимни?!  
Мен ҳеч қачон қўшиқ айтмаганман мотам, азада.  
Бироқ бугун бир халқ азасида куйлагим келар,  
Қўшиқ айтгим келар ўлмас халқ ҳақида.  
Шеърларимни ёқинг, ахир мен бугун  
Ҳақиқий шеърлар ёзишга қудратим етганида  
Қандай юмай кўзларимни,  
Қандай?!  
Ахир, қаранг, зулмат аскарлари қон кечмоқда,  
ҳўкиз терисидан тикилган этиклариди мажақланган  
гуллар ҳамон жон бермасдан бақирмоқдалар:

«Яшасин Республика!»

Улар тутган милтиқларнинг оғзи тўла ўқ, менинг эса юрагимда қасос сўзлари шундай тўлгандир. Мадрид кўксидан яраланган бўлса, қон оқса; булбулни тинглаган қулоқларидан қон оқса, болаларга ширин кулча пиширган қўлларидан қон оқса, «Яшасин Испания!» деб бақирган оғзидан қон оқса, қандай юмай кўзимни: Қандай?!

Қандай юмай кўзларимни, ахир, болалар қонининг ахлатхона сувларига қўшилиб, кўча бўйлаб оқаётганини кўриб телба бўлиб қолган Биби Марямни қора зулмат аскарлари зўрлаётган бўлса нон дўконида, кўзимни қандай юмай?!

Югуринг, чопинг, ўша сивизға чалиб бораётган болакайни қайтаринг, ялининг, ёлборинг, оч одам нон бергин деб ялингани каби.

Сивизғасин чалиб турсин мурдаларнинг бошида.

Биламан: мен ўз-ўзимни алдаяпман, бироқ, айтинг: Қандай юмай кўзларимни, агар ўлдирилган қасоскорнинг ўқланган милтиғи отилмай бир четда ётса,

тепкисини босишга чақалоқнинг ҳам кучи етади...

Қандай юмай кўзимни, агар мен Испанияни озод кўрмоқни истасам.

Мен уни кўраман:

Кўзларим очиқ!

1980

## МУСАВВИР БЎЛМОҚ ЭРСАНГ

*Исфандиёр Ҳайдаровга*

Мусаввир бўлмоқ эрсанг,  
Юрагинг билан бақир  
Ва онангинг номини  
Ранг билан айтиб чақир.

Мусаввир бўлмоқ эрсанг,  
Тилингни ичинга ют.  
Сен сўзга ўргатган ранг  
Шивирласин:— Она-юрт!

Мусаввир бўлмоқ эрсанг,  
Мисли Моний, ё Беҳзод,  
Энг аввало зулматдан  
Юрагингни қил озод.

Мусаввир бўлмоқ эрсанг,  
Тилингни суғуриб ол  
Ва ярадан тўкилган  
Қон рангига қулоқ сол.

Мусаввир бўлмоқ эрсанг.  
Ҳаёт билан ўлимнинг  
Ўртасида сарҳад эт  
Қалам тутган қўлингни.

1981

\* \* \*

Йигитларнинг дил ўтидан  
Тирилади тунда най.  
Рақс этиб сув ўтидай  
Наво ойга ўрмалар.

Қиз сочлари илон каби  
Товланади ойдинда.  
Шамол эсса мавжланади,  
Жилоланиб олтиндай.

Қиз тушида бинафшанинг  
Сочларини ўради  
Ва танига бинафшанинг  
Хушбўй иси уради.

О, бу атир йигитларни  
Айиради ҳушидан!  
Уйғотинглар тезроқ қизни,  
Уйғотинглар тушидан.

*1980*

\* \* \*

Оқиб ётар қадимий дарё,  
Боқсанг, юрак ҳайратга тўлар.  
Сархуш бўлиб, мудрар бесадо  
Қирғоқдаги навқирон толлар.

Поёни йўқ пахтазор дала  
Икки қирғоқ бўйлаб югурар.  
Бунда ҳар тонг икки қиз бола  
Сув қўйнига оҳудек кирар.

Сув бўйида жуфт кетмон қуёш  
Кўзларини қамаштиради.  
Икки қизнинг хаёли қари —  
Дарёни ҳам адаштиради.

Фақат шу ер яқин юракка,  
Фақат шунда қувонар кўзлар.  
Фақат шунда лўппи кўкракка  
Эрк беради кетмончи қизлар.

Улар сузар оққушдек яйраб,  
Чўмилишар бирга тонг билан.  
Кейин қушлар мисоли қувнаб  
Артинишар сартон билан.

1980

\* \* \*

Барчин момо теграсида болалар ғужғон,  
Меҳр тилаб, эртак тилаб келар болалар...  
Оппоқ қорға кўмилганда чексиз далалар,  
Ебонларда увласа бўрон,  
Томлар узра чийилласа ел,  
Болаларни бағрига босиб  
Еғду сочиб хира кўзлари  
Барчин момо эртак сўзлайди...

Минг йиллик уйқунинг қаърига ботган,  
Кўҳи Қофнинг этакларида,  
Тиканзорда чўзилиб ётган,  
Жўралари ташлаб кетган,  
Ағёр тиғи кўксига ботган  
Алпомиш қаддини тиклай бошлайди  
Барчин момо эртакларида...

Болалар нафасин ичига ютар,  
Болалар ненидир интизор кутар,  
Тордек таранг сукунат аро  
Қировранг Бойчибор қарсиллаб ўтар —  
Барчин момо эртак сўзлайди  
Еғду сочиб хира кўзлари...

Барчин момо қучоғи аро  
Кўзлари катта-катта,  
Лаблари қалин  
Бир бола ўтирар ва яққол кўрар:  
Қор босган адирдан ўтган йўл узра  
Бўрон бўлиб учиб борар Бойчибор...

Югуриб ҳовлига чиқмоқчи бўлар,  
Қўлларини силкмоқчи бўлар,  
Суюнчилар олмоқчи бўлар,  
Кўзлари катта-катта,  
Лаблари қалин,  
Қўл-оёғи шол бола...

1981



\* \* \*

Қандай тиниқ ва мовий осмон,  
Қудуқ каби чуқурдир осмон  
Шоҳизинда устида, қара!

Қабртошлар аро адашмай  
Кетган сўқмоқ бўйлаб бораман —  
Қандай тиниқ ва мовий осмон!

Афросиёб томондан, ана,  
Келар пичан ортган арава —  
Ярақлайди ўроқлар бирдан.

О, юрагим ҳовлиқма бунча,  
Пичан узра ёнбошлаб олган  
Бола, ахир, сен эмассан-ку!

Қошки, қайтсам шу аравада,  
Афросиёб адирларидан  
Қайтсам ҳорғин арава билан.

Қандай тиниқ ва мовий осмон!  
Қудуқ каби чуқурдир осмон  
Шоҳизинда устида, она!

*1981*

## БУЛБУЛНИ КЎРМОҚ

Булбуллар куйлайди олис-олисида,  
Сен ҳали кирмаган даралар аро.  
Булбуллар сайрайди шўх ва осуда,  
Таралар сеҳрли, қўл етмас наво.

Дарахтзор қўйнида қадамлар саси,  
Навони узади бамисоли гул.  
Заъфарранг япроқлар ичидан сени  
Мен қандай илғайин, жавоб бер, булбул?

Ёлғиз сенинг куйинг соғинчга нажот,  
Ёлғиз сенинг куйинг дунёда бепул.  
Наҳот кўролмасам мен сени, ҳайҳот,  
Нидо бер, ўзингни кўрсатгин, булбул!

Шунда олислардан келди ногаҳон,  
Булбул сайроғига ўралган бир сас:  
— Сен мени кўрмоғинг жуда ҳам осон,  
Фақат атиргулга айланолсанг бас.

1981

\* \* \*

Судхўр — кузак сархуш юради  
Шамол билан ўйнаб чорбогда.  
Қайта-қайта санаб кўради  
Тилласини овлоқ-овлоқда.

Хасис судхўр бунча очофат,  
Ечинтирар ҳар бир дарахтни,  
Шамол билан тил бириктириб,  
Айлантирар тиллага вақтни.

Қасослидир дунё бари бир:  
Қулоқ солмай оҳу сасига  
Фаррош кампир — исёнкор кампир  
Ўт қўяди куз тилласига.

*1981*

## **БАЛЛАДА**

Ой нурида порлаган  
Адир томонда нохос,  
Пайдо бўлар терлаган,  
Тулпор минган чавандоз.

Ой безовта кишнайди,  
Яғринида қизил доғ.  
Чавандоз шивирлайди:  
Уйғонар бутун қишлоқ.

*1981*

## БОБУР

Отлар елар шиддатдан терлаб,  
Янграр хатар тўла тақалар.  
Ҳуркиб кўкка сапчир патирлаб,  
Тун уйқуси — қора қарғалар.

Отлар елар, тилларанг хазон  
Суворийлар узра сочилар.  
Элас-элас янграйди азон —  
Тоғлар узра осмон очилар.

Отлар елар, елар кўпириб,  
Уйғотганча мудроқ йўлларни,  
Гўё тўғон бандин ўпириб,  
Тошқин қувиб келар уларни.

«Заҳириддин, қайга борурсан,  
Бобонг тахтин, юртингни ташлаб?!  
Қора тақдир сени қул каби  
Қаёнларга кетмоқда бошлаб?!

Заҳириддин, бу қандай савдо,  
Қора ҳижрат сари юз тутмоқ?  
Юрагингни этар-ку адо —  
Тирик туриб Ватандан кетмоқ?

Заҳириддин, ортга бир қара,  
Ортга бир боқ, токи сен омон,

Ахир кейин тушларингда ҳам  
Бу тупроқни кўрмоғинг гумон».

От пишқириб тўхтар, чавандоз  
Узангига тирар оёғин  
Ва бўғзига тўплар беовоз  
Вужудига тўлган ингроғин.

Алам билан юраги урар,  
Шивирлайди титроқ лаблари:  
«Ҳамма ердан кўриниб турар  
Самарқанднинг миноралари».

*1981*

## СОТҚИН ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Бу кеча бобомни кўрдим тушимда —  
Худди ўқ егандек бургут қанотдан,  
У кўкраги қон, айру ҳушидан,  
Остонам олдида қулади отдан.

Майсаларни силкиб, шитирлаб бирдан  
Югуриб ўтди ел — безовта, сергак.  
Кўтарилди эгик чечаклар ердан,  
Бешигида йиғлаб юборди гўдак.

Изидан ёғийлар еларди отда,  
Жаранглаб етарди тўёқлар саси.  
Юракда ғулғула ва сукунатда  
Кезади хатарнинг совуқ шарпаси.

Уни опичлаб мен, елкамда туйдим  
Оқаётган қоннинг ёнар тафтини.  
Ойнинг ёруғида, янтоқдек куйдим,  
Манглайига босгач совуқ кафтимни.

Уни опичладим, гўё ўша дам  
Елкамга олгандим учган юлдузни.  
... Кейин дарвозани ёпаётганда  
Кўрдим қўшни уйдан боққан шум кўзни.

Бўғилиб уйғондим қўрқинчли ўйдан,  
Югуриб ҳовлига чиқдим мен бесўз,  
Дарвозани очдим ва қўшни уйдан  
Қадалиб турарди ҳамон ўша кўз.

1981

## УРУШ ХОТИРАСИ

### 1. КУЗАТИШ

Осмонимни тўсди булут,  
Қуёшимни тўсди булут.  
Шивирлама: «Мени унут!»  
Шивирлагин: «Ёдингда тут!»

Шивирлагин: «Мен қайтаман!»  
Шивирла қайта-қайтадан.  
Упгин мени тўйиб-тўйиб,  
Майли, йиғлай куйиб-куйиб.

Сен кетасан шамол билан,  
Сен кетасан хаёл билан.  
Мен қоламан алам билан,  
Елғиз ўзим олам билан.

Қора кечам ёритади  
Юлдузгинам — сенинг кўзинг.  
Хира кўнглим ёритади  
«Мен қайтаман», деган сўзинг.

### 2. КУТИШ

Тунлар ёмғир шитирласа,  
Эшик очдим, келдингми, деб.  
Соғинганим, аччиқ бўса  
Тилаганим билдингми, деб.

Шамол келиб боғ айланса,  
Қучоқласа дарахтларни,



Ичим куйди: Менинг ёрим  
Келиб шундай даракларми?!

Қуш сайраса тонгда шодмон,  
Қувонаман армон билан,  
Юлдуз учса ногоҳ тунда  
Куйинаман осмон билан.

Йиллар узоқ, йўллар узоқ,  
Кутмоқ қийин, висол ширин.  
Менинг юзим — кузги япроқ,  
Айтиб бўлмас дардим сирин.

### 3. СОҒИНЧ

Йиллар, ойлар ўтди қатор,  
Сен келмадинг... Сен келмайсан...  
Наҳот шунча соғинганим  
Сен билмадинг... Сен билмайсан...

Юлдуз бўлиб боқдим кўкдан,  
Тоғлар бўлиб йўлинг тўсдим.  
Тол бўлиб сен ўтадиган  
Йўл четида ёлғиз ўсдим.

Шамоллардан сўроқладим,  
Сўроқладим бўронлардан.  
Соғинчимни олиб ўтдим  
Алам тўла суронлардан.

Соғинаман, ўртанаман,  
Тунлар узун, кунлар узун.  
Аммо сенинг ёдингни ҳеч  
Юрагимдан бўлмас узиб.

1985

\* \* \*

Сўқир кеч. Нурафшон осмон.  
Кўзда ёниб юракда бори,  
Тупроқ йўлдан қайтмоқда деҳқон,  
Юз-кўзида дала ғубори.

Олисларда милтирар чироқ —  
Уша чироқ атрофида жим,  
Уни кутар хотини мудроқ,  
Ухлар икки қизи — қувончи.

Сўқир кеча. Нурафшон осмон.  
Тупроқ йўлдан қайтмоқда деҳқон.  
Ойнинг оппоқ ёғдуси тушиб  
Елкасида ярақлар кетмон...

*1981*

## СОФИЯ. «БАЖУР» МЕҲМОНХОНАСИ

Нурга чулғаб хонамни  
Ой сайр қилар осмонда,  
У кўриниб тургандир  
Балки бизлар томонда.

Деразамнинг олдида  
Ўсган бақатераклар,  
Туни билан шовиллаб  
Ниманидир дараклар.

Уйқу йўқ...  
Юрагим гаш...  
Негалигин билмайман.  
Ой деворга солар нақш,  
Мен унга тикилмайман.

Фақат кўкка боқаман,  
Ой сайр қилар осмонда.  
У кўриниб тургандир  
Ҳозир бизлар томонда.

Тура солиб, пайпаслаб,  
Мен гугуртни излайман,  
Чекиб, эгиб бошимни  
Ватанимни эслайман.

1984

## ОЙБЕК

### I

Ойбекнинг шеърини далага чиқиб,  
Майсага ағанаб ўқимоқ керак  
Ва сокин шивирни — оҳангни уқиб,  
Ойбекми? Майсами?— деб толсин юрак.

Ойбекнинг шеърини бедазор аро  
Сой саси аралаш тингламоқ зарур,  
Билмай қолсин юрак сув узрами, ё  
Ойбекнинг шеърида ўйнайди бу нур?

Ойбекнинг шеърлари бамисли нигоҳ,  
Бу нигоҳ асрорин йўқдир поёни.  
Худди бўлмагандек майсага изоҳ,  
Йўқ Ойбек шеърининг тўла баёни.

Ойбек,— бу майсага чўккан бужур тош,  
Ҳайратдан ёрилиб-ёрилиб кетган.  
Ойбек,— бу дарахтзор устида қуёш,  
Нури то чумоли кўзига етган.

Ойбек,— бу улкан бир чорбоғ остида  
Ёввойи узумзор оралаб, титроқ  
Қуёш тангалари ўйнаб сиртида,  
Бирдан ёруғликка чиққан шўх ирмоқ.

Ойбек,— бу оғриқни қари тол каби  
Юракнинг тубида асраган сўзлар,  
Барча ҳасратини, жим туриб лаби,  
Энг яқин дўстига сўзлаган кўзлар.

## II

Шеър — фақат қуш тили, деганди шоир  
Қулоқ тутиб қувноқ, шўх товушларга.  
Бошида рутубат қилганда қаҳр,  
У тилин қайтариб берди қушларга.

Шеър — юлдуз киприги, деганди Ойбек,  
Ўзи киприк эди Ўзбекистонга.  
Сўнгги дам бошида сўнаркан осмон,  
Шоир кўзларини берди осмонга.

1982

## УСМОН НОСИР

Юзга кираман деб айтган эди у,  
Бироқ йигитликда кетди дунёдан.  
Гўё чақноқ юлдуз пайдо бўлдию,  
Фикрдай йилт этиб кечди самодан.

Оддий йигит эди, ўзбекдан чиққан,  
Жангари, тўпори, дермишлар, лекин  
Нима қилсин эди, у кураш ёққан  
Оловлардан узиб олган юрагин.

Ахир дунё узра гувларди гирдоб,  
Ҳар бир сўз қўшиқдек ёнадиган пайт.  
Юракнинг покиза найи бетўхтов,  
Сочарди безовта садо тўла байт.

Тунлари шеър узра эгилар экан,  
Қекирдакка тигдек қадаларкан жон,  
Ўзи қўрқиб кетар эди ўзидан —  
Англарди: ҳар лаҳза яшашга имкон.

Тунлари шеър узра эгилар экан,  
Ҳайратдан ёнарди толиққан кўзи.  
Гулга айланарди дилдаги тикан,  
Қуёшдек порларди кўнгил юлдузи.

Тунлари шеър узра эгилар экан,  
Кўксин тўлдираркан ёниқ бир овоз,

Қоғозга тутарди қалбин қўрқмасдан,  
Порохдай лов этиб ёнарди қоғоз.

Сўнгни дам чангалин чўзаркан қўрқмай,  
Зулматга бурганча умр йўлини,  
Куйдириб юборди шоир юраги  
Ажалнинг буришган, совуқ қўлини.

*1982*

## ВАСИҚА

Айтишларича, асримиз бошида В. Л. Вяткинга Улуғбек расадхонасининг ўрнини топишда бир кампирнинг қўлидаги кўҳна васиқа ёрдам берган экан.

Домла Вяткинга, дейман, тасанно,  
Ҳам сенга эй, халқим қиламан қуллуқ,  
Сен ўзинг ҳаммадан топқир ва доно,  
Сен ўзинг ҳаммадан камтар ва улуғ.

Серзарда асрлар учиб ўтдилар,  
Ўтдилар бетакрор, қайтмас, ранг-баранг.  
Мозийдан бугунга етмасди овоз,  
Бўлмаганда, халқим, сенинг хотиранг.  
Сен ўзинг битурсан ҳаёт қиссасин,  
Сен ўзинг сўнг уни айларсан баён  
Ҳатто ўша куни Вяткинга ҳам  
Кампирмас, сен ўзинг бўлдинг намоён.  
Асрлар кўчида қанча кезмасин,  
Навой битган сўз-сўзки нақ чироқ!  
Али Насафийнинг гулдор чизмаси,  
Мавлоно Музаҳҳиб кашф этган буёқ.

Осилган, сўйилган эрлар қисмати,  
Боболар қиличи таратган жаранг  
Бизнинг юраккача, балки, етмасди,  
Бўлмаганда, халқим, сенинг хотиранг.

Сенинг хотирангда ҳар ботир шони,  
Бобосин тахтини сотган амирлар.



Турсунойнинг гулдек қип-қизил қони,  
Маталчи, дostonчи, чоллар, кампирлар.

Асрлар шахтидан қуриса дарё,  
Тўзонлар тўлдирса ўзан кўзини,  
Тошқин келганида, билгандай гўё  
Ўша ўзанларга урар ўзини.

Чунки майсанинг ҳам хотираси бор,  
Майса хотираси — нурга интилмоқ.  
У паққос иккига бўлиб ташлайди,  
Йўлининг устида турса ҳатто тоғ.

Ҳа, шундай! То қуёш осмонда мангу,  
Осмондек мангусан сен ҳам, эй, халқим.  
Ҳар бир фожиага, ҳар бир шарафга,  
Нисбат бермоққа ҳам ёлғиз сен ҳақли!

Замонлар ўтажак қуюн сингари,  
Неча юлдуз сўниб, тамом йитажак.  
Сенинг ёдинг борки, ёруғ кунларга  
Бизнинг кўзлар билан боқар келажак.

1982

## 1941 ЙИЛ. 22 ИЮНЬ. ТОНГОТАР

Оқарарди дунёнинг чети,  
Олисларда гувларди дарё.  
Тўшак узра олма кўчати  
Шивирларди сирли дўст гўё.

Тун салқинин ногоҳ ҳис этиб,  
У уйғониб кетди тонг олди  
Ва кўрпани, нафасин ютиб,  
Хотинининг устига тортди.

Сўнг ёнида пишиллаб, ширин  
Ухлаб ётган жажжи ўғлига  
Қувонч билан термилди, кейин  
Лабин босди гўдак қўлига.

Ногоҳ келди гулдурак саси,  
Ёмғир ёғса ажабмас, деди  
Ўз-ўзига шивирлаб, кулиб —  
У билмасди,  
Бу Уруш эди...

1985

## 1941 ЙИЛ. 22 ИЮНЬ. ПЕШИН

Уларни қўйишди жар ёқасида...  
Отасин қўлини ушлаган гўдак  
Чор атрофга қараб шўх, олазарак,  
Сўради: «Ўқ тегса оғрирми, дада?»

Унинг овозини босди гулдурак...

Баҳорда жарликни қоплар ўт-ўлап,  
Ўтлар узра сузиб ўтар оқ булут  
Ва шунда гиёҳлар аччиқ дард билан  
Шивирлар, шивирлар: «Оғриркан, дада!»

Бу нола ҳеч қачон бўлмайди унут...

1985

## ТУРКИСТОН

Бу шаҳарни кўрмаганман ҳеч,  
Бироқ доим дилимни чорлар.  
Бу чорловлар ичида нотинч —  
Қадим-қадим битиклар порлар.

Баъзан қилгум уни тасаввур:  
Чексиз дала, кўҳна анғизлар.  
Қизил ғиштли гумбаз узра нур,  
Узун-узун кокилли қизлар.

Бир кун албат етиб борурман  
Ва ҳайратдан ёшланур бу кўз.  
«Салом!» дея шивирлар бирдан  
Иўл четида ўсган бўтакўз

Ва тонготар чоғида мени  
Уйғотади ўтлар шитирлаб,  
«Девони луғотит-турк»нинг  
Сўзларини аста шивирлаб.

1982

## ВЕРЕШЧАГИН

Сатанг хонимларнинг давраси аро  
У олис Туркистон эртагин сўзлар.  
Теграда шукуҳли, беғам бир садо,  
Башанг қувончларга ўрганган кўзлар.

У сўйлар Тошканду Жиззах, Самарқанд  
Пойида қандай жон берганин сартлар.  
Қувончдан шивирлар: (Хонимлар тингланг!)  
«Эҳ, бизнинг солдатлар, чинакам мардлар!»

Кўп йиллар ўтади, англар бир куни  
Бошқача сўзлаши керак эди у  
Ва ўша бешафқат лаҳзадан уни  
Тарк этмас ҳеч қачон ярадор қайғу.

Ахир, ёдида-ку: Тошканд ёнида  
Сармаст казакларни жарга бошлашар...  
Гўдакка ўқ уза олмаган битта  
Ёшгина солдатни чопиб ташлашар.

Бешафқат ҳақиқат қайтади қалбга,  
У шунда англайди, англатар ранглар;  
Милтиқ ўқталганлар — бошқа Россия,  
Бошқа Россиядир ўқ узмаганлар.

Кўзларин олдида қотар абадий:  
(Бу балки виждоннинг ўлмас муждаси)

Милтиқлар тиғига санчилган митти —  
Қонларга бўялган гўдак мурдаси.

Балки шунинг учун тунлар Исога  
Елвориб, сиғиниб, ёш тўлиб кўзга,  
Уруш майдонларин эгаллаб олган  
Қузғунлар тўдасин чизар у бўзга.

Қонли кунлар ҳаққи энди у бедор,  
Кўзини юмишга қўрқади, ҳайҳот.  
Тиғларга санчилган гўдаклар такрор  
Қичқирар кўзини юмгани заҳот.

Уша кунлар ҳаққи, қўрқув, ғам ичра  
Зулмат бадалари қилган шум, басир,  
Қонли гуноҳларни жон чиқаргача  
Юволмай дунёдан ўтди мусаввир.

1982

## БУНДАЙ КУЛГУ ЮРАГИМГА СОЛАР ИЗТИРОБ

*(Дзюн Такамидан)*

Бундай кулгу юрагимга солар изтироб —  
Одам тўла симпоездда,  
Нотаниш аёлниг елкаси оша  
Кулиб боқди менга болакай...

Мен ҳам жилмаяман,  
Гарчи тўлиб-тўлиб йиғлагим келар.  
Эҳ, дунёда жуда оздир бундай табассум.  
Жуда ҳам кам инъом қиларлар  
Менга бундай табассумларни.  
Бу табассум қўлларимни шол қилиб қўяр,  
Бу табассум фаришталар табассумидир.

Бундай пок табассум жуда қувончли,  
Бундай пок табассум уйғотар оғриқ.  
Ҳеч кимдан уялмай, шу ернинг ўзида  
Ўкириб-ўкириб йиғлагим келади менинг.

Бироқ, мен йиғласам — йиғлаб юборар гўдак.  
Яхшиси, чидайман, яхшиси, чидай...  
Йиғлаш мумкин бўлмаганидан  
Жилмайганча азоб чекаман.

Бундай кулгу юрагимга солар изтироб...

\* \* \*

Эсимда йўқ неча ёшимда:  
Утирганча менинг бошимда

«Кунтуғмиш»ни ўқирди отам  
Ва овози титраб кетган дам

Қўрқар эдим унга қарашга,  
Билар эдим, кўзлари ёшга

Тўлар эди — тўйиб аламни,  
Аяр эдим бироқ отамни.

Бугун менинг кўзларимда ёш  
Ва бўғзимга тиқилганда тош

Титрар китоб ушлаган қўлим,  
Сен ҳам мени аягин, ўғлим.

1982



\* \* \*

Унутаман бир кун барчасин,  
Улар бари қолади сизга:  
Заъфарон боғ, осмон парчаси,  
Шамол, дарё, майса, сивизга.

Олмазорлар ичида дув-дув  
Ер билан бир бўлиб ётган оқ  
Она қуёш томчиларию  
Гуллар дилда қўзғатган титроқ

Ва асрлар сукутин элс  
Олиб келган ҳорғин далалар,  
Емирилиб, черикка эмас,  
Қушларга ин бўлган қалъалар —

Кўз ортида қолар ҳаммаси,  
Бироқ, мени ҳозир ўртайди —  
Очилмаган гуллар нафаси,  
Айтилмаган қўшиқлар дарди.

1982

## ОТАМ ХОТИРАСИГА

Деразамнинг остида тонгда  
Сайраган қуш сенмасми, ота?

Ё тўнимга кўклам, мозорда  
Ёпишган гул сенмасми, ота?

Ун йилдирки дунёда йўқсан,  
Юрагимда қолган фироқсан.

Кўрмагансан менинг ўғлимни,  
Эркатоим, шўхим, тўқлимни.

Мен ҳам ёшим ўтгани сайин,  
Бошимни оқ тутгани сайин,

Баъзан қўмсаб сени ич-ичдан,  
Юрак титраб сўнгги илинждан,

Отам дея, алқаб ўғлимни,  
Кўтараман ўзим кўнглимни.

*1982*

## ЧҮЛИ ИРОҚ ЁХУД АДАШГАН ҚАРВОН ҚИССАСИ

Қарвон аста қўзғалди,  
Сахро сари йўл олди —  
Жаранглаб қўнғироғи.

Қун ботди, ҳилол ботди,  
Қўк оқариб тонг отди —  
Тинмайди қўнғироғи.

Довуларни оралаб,  
Овуларни қоралаб  
Боради қўнғироғи.

Томчи-томчи сув ичиб,  
Тизза қадар қум кечиб  
Жаранглар қўнғироғи.

Сув тугару томоқлар  
Қурир, толар оёқлар —  
Ҳорийди қўнғироғи.

Ногоҳ олдда сув саси,  
Янграр, тинар нафаси —  
Чалинар қўнғироғи.

О, чорлар сув жаранги,  
Дилни қийнар оҳанги —  
Тинмайди қўнғироғи.

Кетар карвон ва билмас:  
Олдинда сув сасимас,  
Янграр ўз қўнғироғи ..

1982

\* \* \*

Қор кетди ва заминда  
Бўртди илк гиёҳ.  
Қоронғи, сиёҳ тунда  
Шам ёнди гўё.

Баргин ёзиб талпинди  
У қуёш сари,  
Осилди илдизига  
Улкан ер шари.

*1982*

\* \* \*

Кампир қиш сўнгида ўлмоқчи эди,  
Тайёрлаб қўйганди кафанини ҳам.  
Аммо жуда эрта бостириб келди  
Ва қирга гулларин сочворди кўклам.

Қалдирғоч ин қурди кампир уйига,  
Вижирлаб тинмади субҳи азондан.  
Кампир қулоқ тутиб қушнинг куйига  
Кетишни истамай қолди жаҳондан.

Дарахтлар ям-яшил шовуллаб куйлар,  
Қалдирғочлар қатор симёғочларда.  
Кампир кафанини қийиб бичдию,  
Икки деразага илди оқ парда.

1982

\* \* \*

Болалигим гул боғларни кўролмаган,  
Ғариб бўлиб, муншиб юрган кўчаларда.

## УСМОН НОСИР

Болалигим девор ошиб киролмаган  
Урикзору хушбўй исли чорбоғларда.  
Болалигим адирларни кезиб юрган,  
Жар ёқалаб чопқиллаган сўқмоқларда.

Кеч кўкламнинг офтобшувоқ кунларида  
Сарин еллар олиб қочган варрагим у,  
Онам дорга илиб қўйгач, шамол билан  
Ўйин қилган оппоққина кўйлагим у.

Болалигим — Алпомишнинг Ғиротини  
Дарё томон етаклаган ўйчан бола.  
Болалигим — илк қайғуни чекканимда  
Юрагимда ваҳм солган чексиз дала.

Шоҳизинда тошларининг битигини  
Уқолмасдан қайғу чеккан болалагим,  
Бибихоним харобасин кемтигини  
Юрагимга тиклаб кетган болалигим.

Болалигим — ярим тунда босинқираб,  
Ғалати бир туйғулардан уйғоқ тушим.  
Болалигим — юрагимда инлар ясаб,  
Кейин уни ташлаб кетган эрка қушим.

1982

## ҚАЙТИШ

*Р.П.ға*

Болаликка қайтмоқ бұлди у,  
Чалмоқ бұлди сивизғани шод.  
Бироқ қалби илғади фақат  
Хотирадан ўчган садони.

Болаликка қайтмоқ бұлди у,  
Битмоқ бұлди илк шеърини.  
Такрорлади юраги бироқ,  
Сўнгги шеърин сатрларини.

Болаликка қайтмоқ бұлди у,  
Едлай дея ота-онамни.  
Бироқ қалби чарх урди бўзлаб,  
Фарзандларин қабри устида.

Қора тунлар ғам чекди юрак,  
Тинглай дея аллани такрор  
Ва кўрди у болалигини:  
Сочи оппоқ эди боланинг.

*1982*

## ШЕЪР ҚАНДАЙ ЕЗИЛАДИ?

Душман босган она юрт учун  
Ясалгандек қиличу найза,  
Кўкдан тушган ойдин нур учун  
Қўйилгандек уйга дераза;  
Экилгандек гул ёки дарахт,  
Қорилгандек нон учун хамир,  
Қор нафасин туйганча карахт  
Гиёҳ ерга отгандек томир;  
Сув тутгандек ташна йўлчига,  
Оқлагандек баҳорда уйни,  
Асраб-авраб ўстирган каби  
Юрагингда муқаддас ўйни;  
Ўсганидек далада бугдой,  
Ин қургандек шифтда қалдирғоч,  
Нур сочгандек одамларга ой,  
Дўст очгандек дўстига қулоч;  
Боғлагандек жангчи ярасин,  
Қичқиргандек тоғда ҳайратдан,  
Йиғлагандек она кўзини  
Узолмасдан хира суратдан;  
Бесаранжом юрганча дилсўз,  
Қафас аро бўкиргандек шер —  
Уйғонади дил тубида сўз  
Ва қоғозга тўкилади шеър.

Мана шундай ёзилади шеър!

1982



\* \* \*

Гўдак қишдан чиқиб дуч келди  
Биринчи бор яшил гиёҳга  
Ва юраги ҳайратга тўлди,  
Ажабланиб боқди дунёга.  
У гиёҳга тикилди узоқ —  
Тўлиб кетди саволга кўзи,  
Биринчи бор пешонасида  
Пайдо бўлди фикрнинг изи.  
Ҳали ожиз тафаккурида  
Илк бор ёнди митти бир чироқ,  
Гўё қақроқ саҳро бағрида  
Отилгандай бўлди бир булоқ.  
Англаш учун митти гиёҳни,  
Очилсин деб унинг сирлари,  
Уйга ботиб турар дунёнинг  
Энг донишманд мутафаккири.

1982

## ХАЛҚ КЎЗИДА — ЛЕНИН

Яна кураш садоси  
Халқ кўксин ичдан туртди:  
«Қим у, ҳаёт маъноси  
Курашлигин унутди?»

Чиқишолмай вақт билан  
Соатлар ҳам чиқиллар:  
«Курашнинг ёниб турган  
Майдонига чиқинглар!»

Қуббаларда ҳилпирар  
Ватаннинг ол туғлари:  
«Ҳей, қўлдан берманг бизни,  
Инқилоб ўғиллари!»

Бу Ватан курашлардан  
Бунёд бўлган ҳур диёр.  
Қимки буни унутган,  
Демак, сотқин ва агёр.

Қим ёлғонга бош эгган,  
Англамоғи шарт, зарур:  
«Ҳақиқат — бу мангу жанг,  
Ҳақиқат — бу халқ эрур!»

Бир сўз бор халқ тилида:  
«Ёлғоннинг умри қисқа!»  
Ёлғон — карвон йўлида  
Ўрмалаган қумурсқа.

Уни янчиб ўтган дам  
Ҳақиқатнинг карвони,  
Ҳаттоки тупроққаям  
Юқмайди ҳаром қони.

Инқилобнинг мазмуни  
Курашлардан иборат,  
Инқилоб қўшиғида  
«Кураш» сўзи нақорат.

«Чекинганга йўқ шафқат!»  
— Гупулар юракда қон.  
Кураш — изчил ҳаракат  
Келажак уфқи томон.

Қимлардир қилар таъбир:  
«Ўтар-кетар бу замон».  
Бу умидлар, бари бир,  
Янчилади беомон.

Мослашай деб даврга  
Сен ҳам силлиқ, шум лаққа,  
Уринасан бекорга —  
Илинасан қармоққа.

Халқ қалбин кўзи тийрак,  
Сололмайсан ҳеч қутқу.  
Ҳақиқат деб жон тиккан  
Шоирлари бор халқ бу!

Буюк, голиб халқ борар,  
Куч йўқ тўсишга йўлин.  
Халқ кўзида акс этиб,  
Товланган чехра — Ленин.

1986

## ҚУЕШ

Ғунчалар лабига тегар нафасинг,  
Салом деб очилар ғунчалар лаби.  
Гулбарглар ёйилар, тингларкан сасинг,  
«Баҳор» раққосасин кўйлаги каби.

Қушларнинг инида полапонларнинг  
Юмуқ кўзларини очарсан ҳар тонг,  
Югуриб ўтасан қиз кипригидай  
Нозик майсаларнинг учида ҳайрон.

Дарахтлар сесканиб сени кўргандан  
Ерга ташлар туннинг оғирлигини,  
Ўтлоқда ястаниб ётган қария  
Унутар умрининг охирлигини.

Куйлайвер, куйингга дунё келсин тор,  
Мангулик сасидир сенинг овозинг.  
Барча кетганларда сенинг ёдинг бор,  
Барча келганларга тортиқсан ўзинг.

1982

\*\*\*

Баҳор. Кунлар  
Симобдай дуркун.  
О, қандай шўх  
Куй бор баҳорда.  
Неча марта  
Самодан бугун  
Чақмоқ елиб  
Ўтди тулпорда.

Тўлқинсимон  
Адирлар аро  
Пода силжир  
Оқ булутсимон.  
Ўт ҳидига  
Тўйинган ҳаво,  
Чуқурлашиб  
Кетгандек осмон.

...Емғир боғдан  
Ўтаркан ошиб,  
Чеглаб дарахт  
Новдаларини,  
Чўқилайди  
Қушдайин шошиб  
Чўғдек гилос  
Доналарини.

**1982**

\* \* \*

Мен ҳеч қачон билмасдим  
Майсалар сўзлашини:  
Соғиниб қолса мени  
Изимдан излашини,

Агар шомда уйимга  
Пиёда қайтмаганда;  
Йўл четин босган ўтлар  
Битта сўз айтмаганда;

Шу сўзни англадим  
Хира тортди кўзда нур  
Ва қишлоғим даласин  
Аниқ қилдим тасаввур.

Кўрдим, туйдим титроқни:  
Мени излаб изимдан,  
Майсалар кўммиш уйга  
Борадиган сўқмоқни.

1982

## «БАҲОР» РАҚҚОСАСИ

Раққоса йигирма саккизда. Уни  
Билганлар ўйлашар: Яшар шодумон.  
Унинг хонасида бешта қитъанинг  
Жажжи инъомлари турар ёнма-ён:

Сиднею Нью-Йоркнинг афишалари,  
Истанбул, Ослонинг йўл кўрсаткичи;  
Фаранг атирининг хос шишалари,  
Япон қўғирчоғи, араб сақичи.

Сафардан қайтаркан тинмай бир ҳафта  
У артиб чиқади уйнинг чангини.  
Қулоғида пахта, эшитмай дея  
Жонга теккан қўшиқ, куй жарангини.

Кейин кечалари ухлолмай ётар,  
Китоб варақлару сўнг қўяр четга.  
Охири кўз ёши билан тонг отар,  
Шаробдек тарқалиб қайғу вужудга.

Турфа диёрларда тумонат одам,  
Унга гуллар тутган олқишлаб дилдан.  
Неча бор у сармаст бўлмиш, муҳташам  
Сават тўла гуллар таратган ҳиддан.

Кўчага чиқмайди юраги безиб:  
Эркаклар чақчайиб уни кўрган он —  
Бир-бирин туртишиб, қўлини чўзиб,  
Ниқтаб кўрсатишни сезгандан буён.

Унга керак эмас шону шуҳрати,  
Унга керак эмас қарсагу олқиш.  
У қўмсар, оғирдир юрак ҳасрати,  
У қўмсар, баҳорни қўмсагандек қуш.

У қўмсар, бир юрак меҳрини фақат,  
Меҳрибон қўлларни қўмсар, энтикар.  
У кутар: Бир йигит олиб келар бахт,  
Уша йигит йўлин пойлаб кўз тикар.

Шундан кечалари йиғлаб чиқар у,  
Шивирлайн деса, билмас исмини.  
Шундан соғинч тўла ёруғ бир қайғу,  
Бир лаҳза тарк этмас қизнинг жисмини.

Шундан саҳна аро туйиб дилда бахт  
Сирли бир мўъжиза яратган бу қиз  
Залда ўтирганлар учунмас, фақат  
Уша йигит учун тушади рақс.

1982



\* \* \*

Чақмоқ чақнар ногоҳ далада...  
Чиқиб кетгинг келар боғларга  
Узоқ бемор ётган боладай.

Тиниқлашар ҳаво ва олам,  
Мен дунёда яшаяпман, деб  
Қувонасан мана шундай дам.

Шундай дамда қудратга тўлиб  
Митти майса қаддини тиклар  
Осмон билан сўзлашмоқ бўлиб.

1982

\* \* \*

Ёдимдадир ёввойи боғ,  
Ёдимдадир ўша кунлар,  
Анҳор узра титроқ-титроқ  
Юлдузларин сочган тунлар.

Остонамдан мўралаган  
Майсалар ҳам ёдимдадир.  
Қалбимда шеър қоралаган  
Дарахтлар ҳам ёдимдадир.

Ҳали-ҳали ўзим сезмай  
Ўша ёққа тушар йўлим,  
Боғ сукутин, тинчин бузмай  
Майсаларни силар қўлим.

Сени, боғим, қайғуларга,  
Энг бокира туйғуларга  
Тўлганда ҳам, ўлганда ҳам  
Унутмайман, унутмайман.

*1982*

## ШОИР ҲАҚИДА РИВОЯТ

*(Велимир Хлебников ҳаётидан)*

Шоир қайтар эди дарбадарликдан,  
Усти-боши юпун, яланғоч эди.  
Ёноқлари сўлган, кўзи киртайган,  
Ҳеч ёққа боқмасди — жуда оч эди.

Ички урушларнинг жазавасида  
Уйлар ёнар эди, учарди ўқлар,  
Одамлар ўларди — ўқлар остида  
Шоир битар эди ойдин қўшиқлар.

...Бир куни нонга зор, қадди букилган,  
Борарди қарамай ўнгу сўлига,  
Ойдин шеърларини ғижимлаб солган  
Оқ ёстиқ жилдини олганча қўлга.

Темир йўл бекати. Ағнаган поезд.  
Деворда ўқ изи. Ерда қон изи.  
Фақат бир чеккада букчайган аёл  
Совуқдан кўкариб, ёшланиб кўзи.

Қиш эди. Қор тушган. Уҳ, десанг гўё  
Ерга тушгудайин музлаган нафас.  
Аёл қалтирарди — кўзида рўё,  
Аёл қалтирарди, чиқармасди сас.

Утиб кетолмади. Йўл бермас юрак,  
Аёлнинг кўзлари йўл бермас сира.  
У қайтди аёлга берай деб кўмак:  
— Музлаб қоласан-ку, ахир, ҳамшира!

Аёл қалтирарди, бесадо кўзлар  
Совуқ уйқуга жим чўкиб борарди.  
Совуқнинг зўридан темир рельслар  
Оғоч шпалларни тарс-тарс ёрарди.

Наҳот олиб кетса аёлни ўлим,  
Наҳот олиб кетса у бегуноҳни?!  
Шоир кўкка чўзди мадорсиз қўлин  
Кўмакка чақириб қўкдан худони.

Аёлнинг кўзлари осмонга қараб  
Унсиз жовдирарди ғариб ва мунгли.  
Худо эшитмади. Осилиб тушди  
Осмонга чўзилган шоирнинг қўли.

Шунда у унутди бутун дунёни,  
Бахтини унутди, дардин унутди.  
Ёстиқ жилди тўла ёлғиз бир нусха  
Битилган шеърларин гугуртга тутди.

Олов ҳам эриниб ялай бошлади  
Орзулар битилган оқ қоғозларни —  
Уқлардан баландда порлаган ойни,  
Шоир тутиб олган шўх товушларни.

...Шеърлар ёниб кетди.  
Ва лекин улар  
Тафти қолди ғариб, сўлиган юзда.  
Шеърлар ёниб кетди...  
Аммо у энди  
Порлайди дунёга боз қайтган кўзда.

Бекордир шоирлик — шеър дустонга  
Қалбини бағишлаб яшаб келганлар,  
Кулфат панжасида қолган инсонга  
Қалбини бахш эта олмаса агар.

Ахир, шоирлик — бу инсонпарварлик,  
Йиғлаган гўдакни эркалаб қучмоқ.  
Сальери оғусин қўрқмай, беҳадик  
Мардона зарб билан қувониб ичмоқ.

Шоир кетар эди, кўзда бахтдан ёш,  
Ҳолсиз, мадори йўқ ҳатто кулгани.  
Олис-олисларда ёнарди қуёш —  
Ёндирилган буюк шеърлар гулхани.

*1982*

## УРУШ

Эркак овдан қайтарди тонгда,  
Қайтар эди уйига сархуш.  
Энг биринчи кўрган одами  
Деди: — Уруш бошланди! Уруш!

Уйга чопди.  
Ўғли, хотини  
Узоқларда — меҳмонда эди.  
Истамасин қанча, бари бир  
Қаршисидан ҳеч ким чиқмади.

Стол узра қолдирди мактуб:  
«Кетяпман. Хайр. Бўлингиз омон».  
Яна бир оз ўтирди кутиб,  
Сўнг жўнади жанггоҳга томон.

Роса тўрт йил хат ташувчилар  
Ташидилар унинг хатини.  
Хатлар ёзди энтикиб дилдан,  
Кўз ўнгида ўғли, хотини.

Аммо хатлар жавобсиз қайтди...  
Аммо хатлар жавобсиз қайтди...  
Оҳ чекканда, энг содиқ дўсти  
«Улар омон, кутгин», деб айтди.

...Тонгда тушди поезддан, қалби  
Уйга кирди соғинчдан бўзлаб

Ва ўрмонда адашган каби  
Хоналарни кечирди кўздан.

Чиқарганча бошини, қотиб  
Турар эди соат каккуси.  
Оғир йиллар чанги қоплаган  
Деразадан қуёш ёғдуси

Утиб, жангчи нигоҳин бурди  
Столдаги мактубга томон.  
Сарғайганди қоғознинг бети:  
«Кетяпман. Хайр. Бўлингиз омон».

**1982**

## ҚОДИРИЙНИ УҚИБ

Йиллар ўтиб борса-да, ҳамон  
Қўмсаб-қўмсаб ўқиймиз сизни.  
Сиз бамисли зангори осмон,  
Биз қўмсаймиз осмонимизни.

Олис чағир тошли йўллардан  
Отда елиб ўтамиз бирга,  
Айлангириб Қумушнинг оддий  
Сўзларини бокира шеърга.

Яна ортга қайтамиз кейин,  
Келажакка боқамиз мафтун.  
Нимадандир ичкиб, қийин  
Уйлар ичра қоламиз беун.

Кейин яна уй деразасин  
Очган каби соф ҳаволарга,  
Бўғриққан, дим уй деразасин  
Очган каби шўх наволарга —

Туйиб дилда масъум унларни,  
Титраб-титраб дил ларзасидан,  
Биз очамиз «Ўтган кунлар»ни  
Юрагимиз деразасидай.

1983



\*\*\*

(Марис Чаклайсдан)

Уч ярим миллиардмиз  
Ер шарида,  
Қуёш остида.  
Шулардан бор-йўғи  
Бир ярим миллиони  
Биз латишлармиз.  
Бу денгиз учун бир томчи, холос.  
Денгиз томчисининг қуёш ҳақида  
Қўшиғи бўлиши мумкинми, ахир?  
Ва лекин, бари бир  
Ер шарида,  
Қуёш остида  
Бир Ватан бор  
Латвия деган.  
Ер шарида.  
Қуёш остида  
Халқ бордир  
Латишлар деган.  
Ер шарида,  
Қуёш остида  
Бу халқнинг қўшиғи бор  
Қуёш ҳақида:  
«Уйғон, қуёш, тонгда уйғон,  
Қора шомда ботгин, қуёш.  
Тонгда бизни бағринга бос,  
Шомда эса видолаш».

## В. Г. ЯН ХОТИРАСИГА

Қипчоқ даштларида ёвшан сочган ис  
Шероз боғларининг атридан эпкин.  
Саҳродаги қудуқ бесарҳад, тубсиз  
Денгизни бир ҳўплаб ютиши мумкин.  
Ҳозиргача агар тунлар нафасинг  
Ичга ютиб, зийрак қулоғинг тутсанг,  
Сенга етиб келар тулпорлар саси,  
Жаранглар қиличлар таратган оҳанг.  
Агар кўзинг юмсанг оромдан кечиб,  
Карвонлар юрмаган йўллардан пинҳон,  
Дарёларда оққан бор сувни ичиб,  
Учган черикни ҳам кўрарсан аён.  
Ушоқ тулпор минган айёр жаҳонгир  
Ортдан дунёнинг ярми от қўяр,  
Неки гўзаллик бор: китоб ё қаср,  
Утрор ё Исфаҳон — йиқар, ўт қўяр.  
Чунки улар билар, ёвшан сочган ис  
Водий боғларининг атридан эпкин,  
Саҳродаги қудуқ бесарҳад, тубсиз  
Денгизни бир ҳўплаб ютиши мумкин.  
Аммо улар билмас: ҳаёт боқийдир,  
Ҳаёт қучоғида жон берар ўлим.  
Кеча жангда қурбон бўлган баҳодир  
Эртага гул бўлиб уйғонар балким.  
Аммо улар билмас: тўкилган кўз ёш  
Сувга айланади, дарё бўлажак,  
Дарахтлар уйғонар, чарақлар қуёш,  
Қурбонлар бўғзидан чиқар келажак.

1983

## «ДЕВОНУЛ ЛУҒАТИТ-ТУРК» ОҲАНГЛАРИ

### I

Кетаман «Девонул луғатит-турк»ка  
Ҳасратим, қувончим олиб кетаман.  
Мозийни бугунга, заминни кўкка,  
Қалбимни «Девонул луғатит-турк»ка  
Улай деб кетаман, бир кун етаман.

Қояларга чиқиб қушдек боқаман,  
Кўкшин япроқларда нурдек оқаман.  
Қора кўк чодирин сўз билан тилиб,  
Манграйган чақмоқни оламан юлиб,  
Кўксимга тилмочдек уни тақаман.

Қоп-қора тун чиқиб келар ботордан,  
Қип-қизил кун чиқиб келар туғордан.  
Уларга басма-бас елиб бораман,  
Бойчечаклар чанқаб чиқар қошимга  
Томиримни ёриб, қоним бераман.

Аркўзлардан ҳатлаб, сойларни ичиб,  
Ятика шуъласин боламдек қучиб,  
Утлоқлар қўйинини оҳудек кечиб  
Етаман — эшикни аста чертаман,  
Кошғарий чиқади эшикни очиб.

У айтмас:— Шайтон,— деб, у айтар:— Баёт.  
У айтмас:— Улим, деб, айтар:— Ҳаёт.  
У айтмас:— Кечам,— деб, у айтар:— Эртан.

У айтмас:— Бугуним. Айтар:— Будуним.  
— Хайр!— демас.— Салом,— дер,— салом,  
набирам!

## II

«Девонул луғатит-турк»да сайрар сандулоч,  
Қўкшин япроқларда янграйди баҳор.  
Туманлар силжийди мисли оқ уюр,  
Барчин булутлару ўтлоқлар бедор.

«Девонул луғатит-турк»да сайрар сундулоч,  
Тотлиғ қўшиқларин айтар сундулоч,  
Қарғилоч айланур, қимиз тўла меш  
Шивирлар: Соғинчни сўқмоқларга соч!

«Девонул луғатит-турк»да оқарар тунлар,  
Ябкинлар қўйнида елар қуллунлар.  
Ям-яшил ўтларни қўмитиб шамол,  
Ёмғир тақиб кетган дурларни юлар.

«Девонул луғатит-турк»да очун ёруғдир,  
Йўл хўб ўзундир, юлдузлар йирик.  
Етмоқлик — гумондир, кетмаклик — зарур,  
Юраклар — долғали, орзулар — тирик.

1981—82

## ЖАНГЧИ ҲАҚИДА РИВОЯТ

Ёв лашкари қадим тепадан  
Ўққа тутар экан шаҳарни,  
Жангчи қулаб тушди жанггоҳда  
Қонга бўяб яшил ўтларни.

Кўзи хира тортиб борарди  
Айри тушиб ёруғ оламдан.  
Шунда кимдир эгилиб деди:  
— Ўғлим, тургин, бу мен — онангман!

Қора тортиб бормоқда само,  
Тургин, ёвдан айлагин халос.  
Жангчи жавоб бермади, аммо,  
Куч бермади унга бу овоз.

Хира кўздан чекинарди пур,  
Майсаларга оқар эди қон.  
Кимдир титраб шивирлади:— Тур!  
Мен ёрингман, бўл менга қалқон!

Аммо совиб борарди сийна,  
Совир эди, совир эди тан.  
Кимдир унга эгилиб яна:  
— Тургин,— деди,— бу мен — отангман!

Ҳеч ким жавоб бермади унга...  
Жангчи сўнг бор очаркан кўзин,  
Сўнгги марта боқаркан кунга,  
Бирдан туйди ўғлининг сўзин:

— Ота, сағир қолишим эмас,  
Қўрқув эмас — дилни қийнаган.  
Ҳали ёшман, ҳали вужудим  
Ҳатто бир бор совут киймаган.

Ҳали қўлда қилич дастасин  
Маҳкам қисиб елмадим отда.  
Ҳали бир бор ўлим нафасин  
Туймаганман юзимда, ота.

Тургин, ота, қара, нақ туман  
Душман келар сарҳадма-сарҳад.  
Сен кетишдан олдин халқ, Ватан  
Учун жангга кирмоқни ўргат...

Шунда жанггоҳ узра қоп-қора  
Булутларни шамол чорлади.  
Улар кетиб, борлиқда яна  
Қуёшнинг шан нури порлади.

Яна тиниқ тортди ҳар сарҳад,  
Тиниқ тортди душман галаси,  
Топтаётган она тупроқнинг  
Майсалари, боғу даласи.

Жангчи — ота кўзини очди,  
Юрак тўлди яна нидога.  
У ўғлини бошлаб, қиличин  
Баланд тутиб кирди жанггоҳга.

1983

\* \* \*

Жанг тугади. Отлар кишнамас.  
Уқлар учмас. Найзалар учмас.  
Тиғлар синган. Уқдонлар бўм-бўш.  
Эшитилмас бирор бир нафас.

Нафас тинган. Қолгандир шафқат.  
Видо қолган. Тингандир юрак.  
Билмай қайга қўнмоқни фақат  
Жанггоҳ узра учар капалак.

Марду номард мурдаси тўла  
Бу муқаддас, қон шимган дала  
Аро ханжар кўксида ётар  
Ватан учун жон берган бола.

Қони қотиб ерга ёпишган.  
Уни ердан бўлмайди узиб.  
Унинг очиқ қолган кўзида  
Оқ булутлар ўтади сузиб.

1983

\*\*\*

Байрут кўчасида айни тонг палла  
Уқ тегиб йиқилди кўкси қон бола.

Тонг эди, осмонда қуёш порларди,  
У бола қалбини кўкка чорларди.

Бола парво қилмай хароб шаҳарга,  
Боқарди кўкда чарх урган каптарга.

Боқарди равоқда ўсган гулларга,  
Қувончларин айтар эди уларга.

Байрут кўчасида айни тонг палла  
Уқ тегиб йиқилди кўкси қон бола.

Мен чопиб боряпман, чопиб боряпман,  
Ўғлиммасмикан, деб қўрқиб боряпман.

1983



## ШОЛОХОВ ЕДИ

Қорайган дарахтлар шохин қайириб,  
Қадим даштлар аро увиллаб бўрон  
Руҳни олиб учар тандан айириб...  
Атрофда қоронғи кеча ҳукмрон.

Ва лекин қорайган зулматни ёриб  
Ҳаёт ўлим билан учар басма-бас:  
Донга сингаётир кўзларнинг ранги,  
Утлар шивирига энг сўнгги нафас.

(У ўлим олдидан отни туш кўрди  
остонада от келиб турди  
қаҳратоннинг сукунاتини  
от кишнаши йиртиб юборди)

У қайтмас,  
Ёлғиз от келади қайтиб...  
Қора қуёш порлар осмонда сўник...  
Фақат энди унинг  
Исмини айтиб  
Чақира олади  
Тилсиз Мангулик...

1984

\* \* \*

Оғир тўрва бордир елқамда —  
Йўл юриб, сув кечиб, тоғу тош ошиб  
Қишлоқларга кириб бораман,  
йўлда  
Учраган дарвоза зулфин қоқаман.  
Сўз сўрайман, «Сўз борми?» дейман,  
Баъзан болалар,  
Кўзлари қоп-қора болалар  
Югуриб ичкарига кириб кетишар,  
Сўнг чиқариб берарлар ушшоққинна сўзни —  
Ранжимайман,  
Қувониб-қувониб  
Тўрвамга соламан...  
Яна йўлга тушиб, йўлда учраган  
Эшиклар зулфини қаттиқ қоқаман,  
Эшик очганларга қўрқиб боқаман,  
Сўз сўрайман,  
«Сўз борми?» дейман.  
Баъзан сўз ўрнига: «Сўзни сўраб нима қиласан?  
Пул сўрагин, тўрвангини тўлдириб берайлик»,— дея  
масхаралашар,  
Аслида улар мени эмас,  
сўзни масхаралашар...  
Баъзан сўз ўрнига, «Бу дайди нега  
Сўз сўраб юрибди? Бу жуда шубҳали», дейишади,  
ҳар эҳтимолга кўра қалтаклашади —  
Ранжимайман,  
Ўурнимдан оқаётган,

Ёрилган лабимдан оқаётган  
Қонни артиб йўлга тушаман.  
Йўлимда учраган дарвозаларни  
Икки-уч бор қаттиқ қоқаман,  
Сўз сўрайман, «Сўз борми?» дейман,  
Баъзан эндигина туғилган чақалоқнинг  
Сўзини чиқариб беришар,  
шунда  
Ўзимга сиғмасдан хурсанд бўламан.  
Чақалоқ сўзга ҳайратланиб боқаман,  
Гўё ой нурида гулдек оқаман...

Сўзларни райҳондай ҳидлайман,  
Сўзларнинг шивирин тинглайман,  
Мен шунда англайман,  
Дилдан англайман:  
Юрагим бепоёнлашар бу оҳанглардан!  
Юрагим тиниқлашар бу шан ранглардан!

...Оқшом менга қайда етиб олса,  
Ўша ерда бирга қотиб ухлаймиз.  
Тўрвамни қучоқлаб ётаман,  
Шундоқ биқинимдан,  
Тўрва йиртиғидан  
Бошини чиқариб  
Сўзлар майсалар билан гаплаша бошлар,  
Сўзлар юлдузлар билан гаплаша бошлар.  
Баъзан ярим тунда уйғониб қарасам,  
Сўзлар оппоқ саманларга айланиб  
Ўглаб юрган бўлар теварагимда...

Баъзан йўқотиб қўйган сўзни излаб  
Тошларни кўчириб, кўриб қоламан  
Бойчечакни қучоқлаб ётган бўлар сўз.  
Сўзларни бағримга босаман,  
Гул ҳиди қолади димоғларимда,

Сўзлар кўксимдаги қорларни тешиб  
Очилади қучоқларимда.  
Сўзлар менга афсоналар сўйлар,  
Сўзлар менга қадим қўшиқларни куйлар,  
Сўзлар ёлғизликда мен билан ўйлар,  
Сўзлар бола каби мен билан ўйнар...  
    Сўзлар ёлғизликда мен билан бўзлар,  
    Сўзлар кўтарар ҳасратим тобутини,  
Сўзлар хотирам қабрига гуллар ўтқазар.  
Мени келажакка етказар сўзлар,  
Мен қайтиб келмайман ҳеч қачон,  
    Сўзларим, албатта, қайтади.  
Кетган юрак афсоналарин  
Сўзлар келиб айтади...  
Иўл юриб,  
    сув кечиб,  
                                    тоғу тош ошиб  
Қишлоқларга,  
Овулларга,  
Довулларга  
Дараларга,  
Далаларга,  
    Мойчечакка  
Бойчечакка  
    кириб бораман,  
                                    фақат  
Сўз сўрайман, «Сўз борми?» дейман.

1983

## МУНДАРИЖА

<p>«Мен кўксингга бошим- ни қўйдим...» . . . . . 3</p> <p>«Сугдиёна...» . . . . . 5</p> <p>*«Мовий рангли осмон- га боқдим...» . . . . . 6</p> <p>Тунги тайёра . . . . . 7</p> <p>«Токчада даста ял- пиз...» . . . . . 8</p> <p>*Санъат . . . . . 9</p> <p>Видо . . . . . 10</p> <p>Сонет . . . . . 11</p> <p>*Қамал, нон ва ака-ула- лар ҳақида баллада . . . . . 12</p> <p>*«Мен эртага жуда эр- та...» . . . . . 14</p> <p>*«Сайхонликнинг хил- ват четнда...» . . . . . 15</p> <p>*«Оппоқ эди бошда бу дунё...» . . . . . 16</p> <p>Самарқанддаги Озодлик ҳайкали қошида ўй- лар . . . . . 17</p> <p>*Қиз ва шамол ҳақи- да эртақ . . . . . 19</p> <p>Тўйга бормаган йигит «Ғамгамас, ботганча ой- дин хаёлга...» . . . . . 21</p> <p>*«Қўз ўнгимда бепоён боғлар...» . . . . . 22</p> <p>«Улаётган отнинг қо- рачигида» . . . . . 23</p> <p>*«Эшик очилади...» . . . . . 24</p> <p>*«Юрагимни яширган- ман...» . . . . . 25</p> <p>*«Тушларимда кўрдим мен сени...» . . . . . 26</p> <p>*«Совуқ шамол мени қувади...» . . . . . 27</p> <p>*«Ҳаммани унутиб қў- йибман...» . . . . . 28</p> <p>*«Эшиклар тўсатдан...» . . . . . 29</p> <p>*Тарихдан (И. Змайдан) . . . . . 30</p> <p>*Қишлоққа қайтиш ёки</p>	<p>Умрзоқ лайлакнинг ўлими . . . . . 31</p> <p>Поезддаги воқеа ёки болаликнинг овози . . . . . 32</p> <p>Афсун . . . . . 36</p> <p>*«Болалигим ўғирлаб секин...» . . . . . 37</p> <p>*«Жийда гулин исла- дим...» . . . . . 38</p> <p>«У аёлнинг қўллари дағал...» . . . . . 39</p> <p>*«Далаларнинг қоқ ўр- тасида...» . . . . . 40</p> <p>*«Теримчи қизлар...» . . . . . 41</p> <p>*«Имкон беринг...» . . . . . 42</p> <p>«Дарёларни кўрмоқ мумкин...» . . . . . 43</p> <p>*«Оғир меҳнат тунлари аро...» . . . . . 44</p> <p>*«Қорнинг ҳиди ке- лар...» . . . . . 45</p> <p>*«Қор ёғаётган оқ- шом...» . . . . . 46</p> <p>*«Бугун тунда яна ти- рийдим...» . . . . . 47</p> <p>«Биласанми, тўсатдан кеча...» . . . . . 48</p> <p>*«Қўшоқ ака, ухламай- сиз...» . . . . . 49</p> <p>*«Бева ҳовлисига тун олдин кирар...» . . . . . 50</p> <p>*«Тун, бева ва дераза- даги соялар ҳақида достон . . . . . 51</p> <p>*«Океан ёқасида ўтлар кўмилиб...» . . . . . 55</p> <p>*«Табнатдир менинг да- вомим...» . . . . . 56</p> <p>*Қиз қўшиғи . . . . . 57</p> <p>«Туш кўраман олис қишлоқни...» . . . . . 58</p> <p>Миртемир хотирасига . . . . . 59</p>
---	---

«Биз шундай яшай- миз!» . . . . .	60	*«Кўчага чиқади хаёл- чан эркак...» . . . . .	90
*Одам (Морис Корем- дан) . . . . .	61	Ез тунн . . . . .	91
*«Қора мавр ўгли — телба Отелло...» . . . . .	62	Жийда . . . . .	92
*Чюрленис . . . . .	63	«Қафасдаги ғамгин қушни...» . . . . .	93
*«Боғ кезаман...» . . . . .	64	Қуш ўғриси . . . . .	94
*«Қизғалдоқлар ўчоқ- ўчоқ...» . . . . .	65	«Мезон кечди...» . . . . .	95
*«Рухимда бир соғи- ниш кезар...» . . . . .	66	«Тунги боғлар — сирли, қўрқинчли...» . . . . .	96
*«Тунда силкитаркан...» . . . . .	67	Болалик ҳақида шеър . . . . .	97
Шукур Бурҳон ҳақида қўшиқ . . . . .	68	Чон Чолнинг икки шеъри . . . . .	98
«Мен — тирик хотира- ман...» . . . . .	69	*«Эриб кетар хира ту- манлар» . . . . .	99
*Қадимги қўшиқ...» . . . . .	70	*Керак бўлса : : : : . . . . .	100
*«Ўйнар эдик бекинма- чоқ...» . . . . .	72	Тун шундай зим-зиё . . . . .	101
«Болаликда айтар эдим онамга...» . . . . .	73	«Самарқанд . . . . .	102
«Шеърият — бу қийин иш эмас...» . . . . .	74	Дарё йўқдир сочингдан бошқа . . . . .	105
«Мен севаман, — шивир- лар аёл...» . . . . .	75	Заъфар қирда . . . . .	106
Сўз — қушдир . . . . .	76	Шухратни ёдлаб . . . . .	107
*Чол ва кампир . . . . .	77	Эпитафия . . . . .	108
*Отлар йиғлаганда . . . . .	78	*1231 йил 16 август . . . . .	109
Кутиш . . . . .	79	Намоз йўли . . . . .	110
*Рўмол ўраб кўчага чиқди...» . . . . .	80	Намоз ҳақида қўшиқ . . . . .	112
*Эски шаҳар . . . . .	81	Ботир Намоз ўлими . . . . .	114
Дарахт . . . . .	82	Намознинг қиличи ҳа- қида эртак . . . . .	116
Энг кучли бақир . . . . .	83	Эртакнинг давоми . . . . .	117
*«Жавзо тунн...» . . . . .	84	Ҳожиди Абдулазиз ҳақи- да қўшиқ . . . . .	118
«Тунги боғлар суратга ўхшар...» . . . . .	85	Алишер Навоий . . . . .	120
*Кулол муҳаббати . . . . .	86	Бибиҳоним . . . . .	121
Мен дарахтга айлан- дим тунда . . . . .	87	Сўнгги кўз . . . . .	125
*«Сенинг хонангда чи- роқлар кулар...» . . . . .	88	*Осмонда булут йўқ . . . . .	126
*Кўз ёшларинг ниго- ҳинг тўсиб...» . . . . .	89	*Улуғбекнинг қасоси . . . . .	127
		«Ўйғон, қишининг хира тонгида...» . . . . .	129
		Широқ . . . . .	130
		Беҳзод . . . . .	131
		Ватан . . . . .	132
		Доҳий сурати қарши- сида . . . . .	133
		Афросиёб сўзи . . . . .	136

«Самарқанд — бу бир ҳовуч қайғу...» . . .	137
Мигель Эрнандес сўзи .	138
Мусаввир бўлмоқ эр- санг . . . . .	141
«Йигитларнинг дил ўтидан...» . . . . .	142
«Оқиб ётар қадимий дарё...» . . . . .	143
*«Барчин момо теграсида...» . . . . .	144
«Қандай тиниқ ва мовий осмон...» . . . .	145
Булбулни кўрмоқ . .	146
«Судхўр — кузак сархуш юради...» . . . .	147
*Баллада . . . . .	148
Бобур . . . . .	149
Сотқин ҳақида баллада	151
*Уруш хотираси . . . .	152
«Сўқир кеча. Нурафшон осмон...» . . . .	154
*София. «Бажур» меҳмонхонаси . . . . .	155
Ойбек . . . . .	156
Усмон Носир . . . . .	158
Васиқа . . . . .	160
1941 йил. 22 июнь. Тонг-отар . . . . .	162
1941 йил. 22 июнь. Пешин . . . . .	163
Туркистон : : : : :	164
Верешчагин . . . . .	165
*«Бундай кулгу...» (Дзюн Дзюн Такаминдан) . . . . .	167
«Эсимда йўқ неча ёшимда...» . . . . .	168
*«Унутаман бир кун барчасин...» . . . .	169

Отам хотирасига . . . .	170
Чўли ироқ ёхуд адашган карвон қиссаси .	171
«Қор кетди ва заминда...» . . . . .	172
«Қампир қиш сўнгига ўлмоқчи эди...» . . .	173
«Болалигим девор ошиб киролмаган...» . . . .	174
Қайтиш . . . . .	175
*Шеър қандай ёзилади?	176
«Гўдак қишдан чиқиб...» . . . . .	177
*Халқ кўзида — Ленин	178
Қуёш . . . . .	180
*«Баҳор. Кунлар...» . .	181
«Мен ҳеч қачон билмасдим...» . . . . .	182
«Баҳор» раққосаси . .	183
«Чақмоқ чақнар ногоҳ далада...» . . . . .	185
«Ёдимдадир ёввўйи боғ...» . . . . .	186
Шоир ҳақида ривоят .	187
*Уруш . . . . .	190
Қодирийни ўқиб . . . .	192
«Уч ярим миллиардиз...» (М. Чаклайсдан) . . . . .	193
В. Г. Ян хотирасига .	194
«Девонул лугатит-турк» оҳанглари . . . . .	195
*Жангчи ҳақида ривоят	197
«Жанг тугади...» . .	199
*«Байрут кўчасида...» .	200
*Шолохов ёди . . . . .	201
*«Оғир тўрва бордир елкамда:::» . . . . .	202

\*© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986 й.

*На узбекском языке*

**Хуршид Даврон (Давронов)**

## **ГОЛОС ДЕТСТВА**

**Л и р и к а**

**Тақризчи — Бахтиёр Назаров**

**Редактор Азим Суюн**

**Рассом А. Сухарев**

**Расмлар редактори А. Мамажанов**

**Техн. редактор Е. Потапова**

**Корректор С. Турсунқулова**

**ИБ № 3215**

Босмахонага берилди 31.10.85 Босишга рухсат этилди 18.08.86. Р 04360. Формати 70×90<sup>1/32</sup>. Босмахона қоғози 2. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 7,6 Шартли л. кр.-оттиск. 7,89 Нашр л. 5,16 Тиражи. 10000. Заказ. 1849/1445. Баҳоси 80 т. Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича ЎзССР Давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонаси. Тошкент—700129 Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3-босма-хонаси, Тошкент, Юнусобод массиви, Муродов кўчаси, 1.